


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

Ҳ. УМАРОВА

ҚИЗИҚАРЛИ ГРАММАТИКА

(ҚИСҚАЧА КУРС)



АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ МЕРОСИ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 2002

Умарова Ҳ.

Қизиқарли грамматика (Қисқача курс).-/Масъул муҳаррир: Н. Мамадалиев /1 А Қодирий номидаги халқ мероси нашри, 2002 80 б

Сарлавҳада: УЗР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб ҳунар таълими маркази.

Қизиқарли грамматика фанидан қисқача курс Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази 2000 йил тасдиқлаган ўқув режа ва дастурларга асосан ёзилган булиб, академик лицей, касб-ҳунар лицей ва коллежлари талабалари ҳамда барча қизиқувчилар учун мўлжалланган.

ББК 81.2Ўз-2я722

Муаллиф: **Ҳ. Умарова, Асака академик лицейи она-тили ва адабиёти ўқитувчиси.**

Тақризчилар: **А.Ш.Собиров, Андижон Давлат Университети доценти.**
М. Йўлдошев, ТДПУ ўзбек тилшунослик кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари номзоди.
Ҳ. Жўраев, УзМУ қошидаги С.Ҳ.Сирожиддинов номи академик лицей ўқитувчиси.

Масъул муҳаррир: **Н. Мамадалиев, ЎМКҲТРИ малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети кафедра мудири**

Мазкур қисқача курс ЎМКҲТРИ илмий кенгашининг 2001 йил 5-октябрдаги (баённома №7) йиғилишида муҳокама қилиниб, чоп этишига тавсия этилган.

Ушбу қўлланмани нашр этилишида ҳомийлик қилган Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети қошидаги БИ “Техномаркет” раҳбариятига муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.

Х 4702620105-331 қатъий бюр. — 2002
М361(04)-2002

© А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002

© Андижон Давлат Университети қошидаги Асака академик лицейи, 2002

СЎЗ БОШИ

Академик лицейларда «Қизиқарли грамматика» фанини ўқитишнинг мақсад ва вазифалари.

Ўзбек (она) тилини ўқитиш марказида тил ўрганувчиларнинг ўзаро ҳамда ўқитувчи билан нутқий мулоқоти турмоғи лозим бўлади. Аммо мана шу мулоқот тўғри йўлга қўйилиши учун грамматика қонун-қоидаларини мукамал ўзлаштириш зарур. Шунингдек, грамматика қоидаларини яхши билишга кўмаклашувчи топшириқлардан иборат машғулотлар назарий ёки амалий аҳамият касб этибгина қолмай, талабаларнинг тил ўрганишга бўлган қизиқишини шакллантиради, орттиришга ҳам ҳисса қўшиши талаб этилади.

Ана шу қизиқишни шакллантиришда, уни тобора мустақамлаб боришда қизиқарли грамматик топшириқлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Мактабда таянч грамматик билим олган талабалар унинг амалий татбиқини тавсия этилажак қизиқарли топшириқлар мисолида ривожлантиришлари кўзда тутилади.

Ўқитувчи ҳар бир мавзу ва топшириқни нафақат нутқ ўстиришга, шунингдек, ёшлар дунёқарашини бойитишга, тафаккур доирасини кенгайтиришга ҳам хизмат қилдириши шарт эканлигини ёдда тутиши даркор.

Тил таълимидаги 4 зарурий амал — тинглаш, сўзлаш, ўқиш ва ёзишнинг мутаносиб тарзда олиб боришга ҳаракат қилиш зарурлигини таъкидлаш жоиз. Аммо мавзунинг мазмунига мос иш тутиб, бир хил топшириқлар оғзаки нутқ, бошқалари ёзма нутқ кўникмаларини мустақамлашга қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ўзлаштирилган ҳар бир мавзу дарсдан ташқари тадбирлар билан узвий боғланишига эришиш лозим. Буларни ўрни билан саҳна чиқишларини ташкил этиш, роли ўйинлар ўтказиш яхши самара беради.

Бу қўлланма академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари ва ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, ўқувчи ва талабаларнинг она тилига бўлган меҳрини, қизиқишини орттиради. Қўлланмани ёзишда менга жонбозлик кўрсатган, фойдали маслаҳатларини аямаган лицейимиз директори, физика-математика фанлари номзоди Назиржон Мамадалиев ва қўлланмани яратишда компьютерда меҳнат қилган Ҳусанбой Мамажоновларга самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Ушбу қўлланма бўйича билдирилажак таклиф - мулоҳазалар учун олдиндан миннатдорчилик изҳор қиламиз ва уларни 2002 йил давомида қуйидаги манзилга юборилишини сўраймиз.

Тошкент ш. 700095, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 76-уй. ЎМКХТРИ малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети, “КХТ педагогика ва психология” кафедраси.

Муаллиф

1-машғулот

Мавзу: Тилга эътибор - элга эътибор.

Режа:

1. Грамматика ҳақида умумий маълумот.
2. Тил ҳақида ҳикматлар, уларнинг нутқ кўрки эканлиги.
3. Тил билган - эл билади.
4. Ўзбек тили ва унинг бойишида донишларнинг роли.
5. Алишер Навоий - ўзбек адабий тилининг асосчиси.
6. Нутқ маданияти ҳақида.

*Асар ёздинг эрса она тилида ёз
Йўқ эса анинг ёзгани бузгани.
Таралмиш бутун ер юза илму фан
Тўлиқ тил керакдир ани билгани.
Тўлиқ тил қариндош она тил эрур
Бўлурму киши андин айрилган
Киши ўз тилини яхши билмаса гар
Билинги, ҳар ишдан кейин қолгани.*

(Алихонтўра Соғуний “Тил ҳақида”).

«Грамматика» термини юнонча *grammatika* сўзидан олинган бўлиб, «ёзиш санъати» маъносини билдиради. Дастлаб у ёзув тилини текшириш билан шуғулланган. Бора-бора грамматика тушунчасининг доираси кенгайиб, ёзуви бўлмаган жонли тилларни ҳам текшира бошлаган, лекин номи аввалгича қолган. Шундай қилиб, грамматика терминининг маъноси кенгайиб, мавҳумлашиб, тилшунослик фанининг бир тилдаги сўз тузилиши, гапда сўзларнинг ўзгариши ва бирикишини ўрганадиган катта манбага айланади.

Грамматика одатда илмнинг номи сифатида тил қонунларини, тил билан тафаккурнинг ўзаро муносабатлари, тил тараққиёти жараёнида бўладиган турли ўзгаришлар, ҳодисаларни назарий ўрганиб тўғри ёритади. Булар эса тилни амалий жиҳатдан ўрганишга катта ёрдам беради.

Ҳар бир тилнинг асоси унинг фонетик тизими, лексикаси ва грамматикасидир. Грамматика воситасида кишилар ўз фикрларини гап орқали ифодалайдилар. Гап, одатда, бир-бири билан ўзаро боғланган сўзлардан ташкил топган бўлади. Демак, якка ҳолдаги сўзлар айрим маъноларни ифодалай олса ҳам, нутқда ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда қўлланилади. (О. Азизов. “Тилшуносликка кириш”. 1996 йил, 89-90-бет).

Тил—кишиларнинг муҳим алоқа воситаси ҳисобланади. Чунки гаплар тил орқали амалга оширилади. Буюк донишмандларимиз ва шoirлар шунинг учун ҳам тилга эътибор бериб, уни эъозлашга ундаганлар:

*Кўнгил дарёсининг гавҳари тилдир, тил гавҳардан афзал
ва мартабаси баланддир.*

(А. Навоий).

Тил — миллатнинг қалби.

*Ҳар биримиз бизни вояга етказган, бизга энг бебаҳо
бойлигини — тилини ҳадя этган оналар олдида қарздормиз.*

(Ч. Айтматов).

*Она тилим, жон тилим,
Сенсиз мен сўладирман,
Девона бўладирман,
Туққанимга етти ёт бегона бўладирман.*

(Ш. Курбонов).

*Икки нарса билан киши қаримайди: бири — эзгу хулқ,
бири — яхши сўз.*

(Юсуф Хос Ҳожиб).

*Кўп тил билиш бир қулфнинг кўп калитга эга бўлиши
демакдир.*

(Ф. Вольтер).

*Донау дур сўзини афсона бил,
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.*

(А. Навоий)

*Она тилим, жон тилим, юрагимнинг —
Қошида сайраб турган булбулим.*

(Ш. Курбонов).

*Яхши сўзлай олиш (нутқ) — санъатдир — ноёб ҳунардир.
Уни эгаллашга интилгин:(Эрдин сўз ҳунара, энчидин бўз
ҳунара).*

(А. Навоий).

Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз.

(А. Навоий).

Демак, буюк алломалар, шоиру адибларимиз сўзни, тилни ўз асарларида ҳамиша мадҳ этганлар. Мамлакатнинг табиати ва халқнинг тарихи инсон қалбидан жой олиб, сўзлар орқали ифода этилади. Тилдаги ҳар бир сўз инсон тафаккури ва туйғусининг натижасидир: ўша тафаккур ва туйғулар орқали сўз ёрдамида мамлакат табиати ва халқ тарихи ифода этилган. Тил билган эл билади, дейди халқимиз. Тилшуносларнинг Нью-Йоркда бўлиб ўтган конгрессида профессор Карло Тальявини ҳаммани ҳайратда қолдирди. У минбарга чиқиб 50 тилда бирин-кетин табрик нутқи сўзлади. У филология фанлари доктори, жаҳондаги 50 та фанлар академиясига аъзо. У етти ёшидан бошлаб бошқа тилларни ўрганган: дастлаб 7 тилни билган, 22 ёшида 15 тилни билгани учун унга докторлик дипломи берилган. Олим ҳар йили 3-4 тилни ўрганади. Тальявин 120 тилни билган.

Демак, тил ўрганиш учун, аввало, ўз она тилини мукамал билиш зарур.

Ўзбек тили ўзбек миллатининг давлат тилидир; уни республикамызда 14 миллионга яқин халқ она тилим дейди.

Ўзбек тили қадимий тиллардан бўлиб, дастлабки ёзма ёдномалар VI — VII асрларга оиддир (Урхун-Энасой ёзувлари). Араблар истилоси даврида тилимизга араб тилининг таъсири кучли бўлди, лекин тилимиз ижодкори халқимиз тирик бўлгани ва курашгани учун у ўз луғатини ва грамматик қурилишини сақлаб қолди. Айни вақтда араблардан кўплаб сўзлар олди.

Ўзбек тилида X-XI асрларга келиб йирик асарлар яратилди. Маҳмуд Қошғарий (“Девону луғотит-турк”) Юсуф Хос Ҳожиб (“Қутадғу билиг”), Аҳмад Югнакий (“Ҳибатул ҳақойиқ”) каби донишлар ўз қаламлари билан она тилимизнинг бойлиги, кўркини очиб бердилар. Аҳмад Яссавий, Рабғўзий каби буюк адиблар турк тилининг ривожланишида катта хизмат қилдилар.

XI—XV асрлар ўзбек тилини ривожлантиришда Лутфий, Атоий, Саккокий, Хоразмий каби шоирлар ҳам ўзларига хос ўрин тутдилар.

XV аср она тилимизнинг гуллаш даври саналади. Бу улуғ Навоий ижоди билан боғланади. «Хамса», «Ҳазоинулмаоний» асарлари билан Алишер Навоий турк тилини жаҳон миқёсига олиб чиқди. У «Муҳокаматул-луғатайн», «Мажолисун-нафоис» каби илмий-танқидий асарлари билан ўзбек тилининг куч-қудратини, бойлигини ва нафислигини намоён қилди, туркий тилида ёзгани билан ниҳоятда фахрланди:

*Чун топтим ул калом ичра камол,
Турк алфози била сўрдим мақол.
Турк назмида чу тортиб қалам,
Айладим ул мамлакатни якқалам.*

А. Навоий турк элининг каттадан-кичигигача, ҳамма косиб ва мансабдорларгача шу тилда сўзлаганларини қайд этади. Навоий тилимизни «Шажара боғи» тимсолида ҳис этди, халқини булбулга қиёслади; ана шу боққа гард тушмасин, булбулларининг овози ҳамиша янгроқ ва баланд бўлсин, деди.

Шу билан бирга, Навоий форс ва араб тилларини ҳам ҳурмат қилди, улардан усталик билан фойдаланди. Дунёда ёмон ва яхши тиллар бўлмайди — ҳаммаси ўз миллати учун азиз ва улуғдир, деди.

Хуллас, ўзининг доно фикрлари, илмий ва бадий асарлари билан шоир ўзбек тилини дунёга танитиб, ўзбек адабий тилининг асосчиси деган ном олди. (*Она тили. 10-11-синф. Дарслик. 1997 й, 5-10-бетлар*).

Она тилини ҳурмат қилган, унда равон ва чиройли сўзлай олган инсон нутқ маданиятига эга бўлади.

Нутқ тўғри, аниқ ва ёқимли бўлиши лозим. Нутқ қанчалик тўғри ва аниқ бўлса, у шунчалик тушунарли бўлади: нутқ қанчалик ёқимли ва ифодали бўлса, у тингловчига шунчалик кучли таъсир этади. Тўғри, аниқ ва ёқимли гапириш учун мантиқий изчилликка ва адабий тил меъёрларига риоя қилиш керак. Луғавий-грамматик, услубий меъёрлар адабий тилнинг ҳамма кўринишлари учун характерли бўлса, имло ва тиниш белгиларга оид меъёрлар адабий тилнинг фақат ёзма шакли учун, тўғри талаффуз меъёрлари эса оғзаки шаклига хос бўлади. Нутқ маданияти деганда, мантиқий изчиликка ва адабий тил меъёрларига риоя қилган ҳолда, тўғри, аниқ ва ёқимли сўзлаш тушунилади. Тўғри, аниқ, ёқимли сўзлаш учун тил бойликларидан мазмунга хос зарур сўзни танлай олиш, сўзни ўринсиз такрорламаслик (луғавий меъёрларга риоя қилиш), сўз шаклини ва гап турини тўғри қўллаш, услуб бирлигини сақлаш, нутқнинг таъсирчан бўлишини таъминлаш лозим. Нутқ маданияти сўзловчидан тил бойлигини — луғат бойлиги, грамматика, талаффуз, услуб турлари ва уларнинг ҳар бирига хос хусусиятларни яхши билишни талаб қилади. Нутқ маданияти сўзловчининг шахсий маданий савияси билан ҳам боғлиқдир.

Изоҳ.

1. “Девону луғатит-турк” — туркий сўзлар луғати.
2. “Қутадғу билиг” — “Саодатга йўлловчи билим”.
3. “Ҳибатул-ҳақойиқ” — “Ҳақиқатлар туҳфаси”
4. “Хамса” — бешлик (беш дostonни ўз ичига олган асар).
5. “Ҳазоинул маоний” — “Маънолар хазинаси”.
6. “Мажолисун-нафоис” — “Гўзал мажлислар”.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар.

1. Она тилини улуғловчи шеърлардан ифодали ёд ўқиш.
2. Қайси тилни ўрганишга қизиқасиз?

3. “Она тилим — доно тилим” мавзусида тил байрамига атаб сценарий ёзинг.

4. Тил тўғрисидаги мақоллардан 10 та ёзинг.

5. “Алишер Навоий — ўзбек адабий тилининг асосчиси” мавзусида иншо ёзинг.

2-машғулот

Мавзу: Сўзлар қандай яратилади? Сўзларнинг ҳаётидан.

Режа:

1. Лексикология ҳақида маълумот.
2. Ўзбек тили лексикасида ўз ва ўзлашган қатлам.
3. Сўз ҳақидаги дарсда ўйин машғулотларидан фойдаланиш.

*Кўнгул дуржи ичра гуҳар сўздурур,
Башар гулшанида самар сўздурур.*

(А. Навоий).

*Сўз камонки, ўқдин норасоға омон йўқ,
Сўз жаҳонки, кўркидан ўзга жаннат — макон йўқ,
Сўз ила ишқ оламин ифтидо этсак агар,
Назми фикрат булбулин отгувчи ўқ-камон йўқ.*

(Ш. Лойиқ).

*Тил алоқа воситаси экан, сўз инсоннинг даража ва
камолини, илм ва фазлини ўлчаб кўрсатадиган тарозисидир.
Гўзал сўзли ва ёқимли бўлган тил, агарда кўнгил билан бир
бўлса, яхшироқ бўлур.*

(Абдулла Авлоний).

Сўзлар лексикологияда ўрганилади.

Лексикология — юнонча *lexikos* — сўз, *logos* — таълимот сўзидан ташкил топиб, сўз ҳақидаги таълимот деган

маънони билдиради. Сўз луғат таркибининг энг аниқ ва энг муҳим қисмидир. Товушлар, ҳар бир тилнинг хусусиятига кўра муайян тарзда бирикиб, сўз ҳосил қилади.

Ҳозирги ўзбек тилининг луғат бойлиги ўзбек тилининг бутун тарихий тараққиёти давомида шаклланган ҳодисадир. Ундаги сўзларнинг пайдо бўлиш даври, яратилиши ва келиб чиқиш манбаи ҳам ҳар хилдир. Умуман, ҳар қандай тил ўз луғатига ва грамматик қурилишига эга. Лекин халқлар ўртасидаги узоқ тарихий даврлар мобайнида давом этган иқтисодий, маданий алоқалар бу халқларнинг тилларига ҳам, шубҳасиз, ўз таъсирини кўрсатади. Бу нарса ўзбек тилига ҳам хос бўлиб, тилимизга ҳам кўплаб сўзлар ўзлашган. Натижада **ўз** ва **ўзлашган** қатлам юзага келган. **Ўз** қатламга ўзбек тилининг ўзиники бўлган, шунингдек, туркий тиллар учун умумий бўлган сўзлар киради. Масалан: оқ, қора, тош, тоғ, ер, бош, сув, тил, кўл, киши, бола, яхши, ёмон, мен, сен, у, бу, кел, ол, бор, тур, қара, илдам, эрта-индин, илгари каби жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Ўзбек тили ўтмишда қардош бўлмаган жуда кўп тиллар билан ўзаро алоқада бўлди ва бу тиллардан ўзбек тилига анча сўзлар ўзлашди:

1. Тожикча сўзлар: осмон, офтоб, баҳор, барг, дарахт, гул, хона, сероб, ширин, мард, жонажон, камтар, кам, чала, балки, агар ҳам каби;

2. Арабча сўзлар: маъно, Раъно, маориф, аъло, шоир, халқ, маданият, кашф, савод, амал, хусн, соат, авлод, савол;

3. Русча - интернационал сўзлар: партия, бригада, звено, агроном, трактор, театр, радио, лекция, телевизор, космос, актив, пассив, концерт, пальто, физкультура, завод...

Сўз ўзлашишни сўз ишлатишдан фарқлаш керак. Ўзлашма сўзлар шу тилнинг луғат бойлиги ҳисобланади. Бундан ташқари, маълум мақсад ёки сабабларга кўра озгаки нутқда ҳам, ёзма нутқда ҳам ўзлашмаган чет сўзларни қўллаш ҳоллари учрайди. Масалан: оддий сўзлашувда конечно, молодец, тоесть, вообще, совсем каби сўзларнинг ўқувчилар, ёшлар нутқида кўпроқ қўлланиши каби. Бу ўзлашмаган сўзни аралаштириб ишлатиш маданият-сизликдир. Шу қодисани атоқли адибимиз С. Аҳмад «Ажина» ҳикоясида танқид қилади:

Йигит: Нима гап, мамашка, тинчликми?

Онаси: қайда тинчлик бўлади, болам. Ойша холанинг келини сени кўрган экан, башарангдан қўрққанидан боласини чала ташлаб қўйибди. Ойша холанг сени қарғаяпти.

Йигит: **Интересно!** Ҳали Рўзимат буви негадир уят гап билан сўқди. **Причинаси менга неизвестна.**

Демак, ҳажвиядан кўриниб турибдики, нутқимиздаги ҳар бир сўзга аҳамият бермоғимиз зарур.

Дарсда сўз ўйинларидан фойдаланиш мумкин. «Сўз занжири». «Сўз топинг!». «Ким сўзга уста?». «Аскиячи» кўрик-танлови ўтказиш мумкин. Ёки сўзга доир қизиқарли интермедиялар, сахна асарлари тайёрлаб ўтказиш мумкин. Ёки Эркин Воҳидовнинг нутқда кераксиз сўзни ишлатмаслик ҳақида куйидаги «Нутқ» шеъри каби шеърлардан айтилса, дарс янада қизиқарлироқ ўтиши мумкин.

Нутқ (ҳазил шеър)

<i>Ҳар сўзида “бу” “ану”, “Ҳалиги”, “сўнг”, “қанақа”. “Бу-бу” дейди - нима бу, “Шунақа”си - қанақа. Тилига келиб қолган Сўздан қайта олмаса, “Бу” қўшмасдан саволга Жавоб айта олмаса. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Нима бу, “қанақа”си!</i>	<i>Қачон қолар Ўтқирнинг “Нима”, “бу”, “анақаси?” Тўғри, аниқ гап тузиб, Жавоб бергин сўроққа, Хизмат қилсин ҳар сўзинг Фикрингни тўлатмоққа. Мазмун номли мўлжалга Сўз отилган ўқ бўлсин, Нишонга тегмай қолган Битта ўқ ҳам йўқ бўлсин.</i>
---	---

Маънога кўра сўз ўйинларда эса сўзнинг ўзи бош ролни ўйнайди.

Бунда сўз маъносини туйиш, сўз оҳангини ҳис қилиш, сўзда яширинган маънони белгилар ифодаси ёрдамида топиш, сўздаги товушлар уйғунлигини илғаш, товушнинг сўзда маънони фарқловчи моҳиятини идрок этиш машқлари муҳим аҳамият касб этади. “Гулдур-гулдур” ўзбек болалар фольклорида кенг тарқалган маъно ўйини.

У болалар олдига гапирмаслик шартини қўяди. Сўз топаётган ўқувчига шундай деб мурожаат қиладилар:

*Дим, дим, дим,
Гапирганнинг оғзига
Бир шапалоқ урдим.*

Изоҳ.

Кўнгил дуржи — кўнгил дарёси.

Гуҳар — гавҳар

Лексикология lexikos-сўз, logos-таълимот.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар.

1. Саид Аҳмаднинг “Ажина” ҳикоясини саҳналаштиринг ва дарсдан ташқари тадбирларда ижро этинг.
2. “Аскиячи” кўрик танловини ўтказинг.
3. Сўз усталари ҳаёти ва ижоди ҳақида билганларингизни сўзлаб беринг.
4. Дафтارينгизга сўз занжири тузинг. (масалан: арча-ақд-лола..)

Ҳозирги ўзбек адабий тили. Т., 1980 й. 118-122 бетлар.

3-машғулот.

Мавзу: Архаизмлар, неологизмлар.

Режа:

1. Жамиятнинг тараққий этиб боришида сўзларнинг ўрни.
2. Архаизмлар ҳақида маълумот.
3. Неологизмлар.
4. Мусобақа ўтказиш талабаларнинг сўз бойлигини оширади ва тонқирликка ўргатади.

Жамият тўхтовсиз тараққий этиб боради. Йиллар ўтиши билан меҳнат қуроллари, кийим-кечак, уй-жойларнинг янги нусхалари пайдо бўлади, эски нусхаларнинг баъзилари

ишлатилмайдиган бўлиб қолади, натижада уларни англлатувчи сўзлар ҳам бора-бора жуда кам қўлланади. Худди тирик организм каби тилдаги сўзлар ҳам доимий ҳаракатда бўлади. Турмушдаги бирор янги нарсани ёки тушунчани ифодалаш учун янги сўз туғилади.

Айрим сўзлар эса турли сабабларга кўра эскириб кам қўлланадиган бўлиб қолади (қумғон, омов, қози, мингбоши).

Эскирган сўзлар архаизм ва историзмларга бўлинади. Архаизмлар — эскириб истемолдан тушиб қолган, аммо ўз эквивалентига, яъни синонимига эга бўлган сўзлардир. Масалан: дудоқ-лаб, ўмиз-қўкрак, менг-хол.

Турли матнларда киноя, пичинг, қочирим, мазах, масхара, ҳажв оттенкасини бериш учун ҳам архаизмлар ишлатилади. (Ҳазрат, тақсир, афандим сўзлари ўртоқ сўзига синоним қилиб ишлатилади).

Эскириб истемолдан чиққан, ўз синоними, эквивалентига эга бўлмаган сўзлар историзмлар дейилади.

Историзмлар бадий асарларда, фельетон ва танқидий мақолларда стилистик восита сифатида ишлатилади. (гўжа, умоч, зогора, паранжи, кулоҳ, омов, мола) каби. Историзмлар ҳам кўчма маънода юмор, ҳажв, пичинг оттенкасини беради: *Мана, васиқангиз (“никоҳ хати” маъносида), олтин кишан (бой қизи) ўзим хон, ўзим беқ денг...*

Архаизмлар ва историзмларни ёзма ва оғзаки нутқда ўринсиз ишлатмаслик лозим. Акс қолда, нутқ қоронғилашади, айтмоқчи бўлган фикр англашилмай қолади. Айниқса, болаларга мўлжаллаб ёзиладиган бадий асарларда эскирган лексикани қўллашда жуда ҳам эҳтиёт бўлиш лозим. Шунинг учун айрим ёзувчилар ўз асарларини қайта нашрга тайёрлаганда архаик сўзларнинг кўпчилик қисмини янги синонимларга алмаштиришга ҳаракат қиладилар. Буни С. Айний, Ойбек, А. Қаҳҳор асарлари мисолида кўриш мумкин.

*Тилимдаги жами сўз-
Азиз луғат бойлигим,
У билан кеча-кундуз
Ҳар ерда равшан дилим.*

*Эскирган қози, омов,
Чиқди сафдан минг боши,
Йўқ энди миршаб, тилмоч,
Бувамнинг тиллақоши.*

(О. Расулов).

Ҳаёт, фан, техника, саноатнинг тараққиёти билан янги-янги уй жиҳозлари, меҳнат қуролилари, машиналар, ҳаёт ҳақида янги тасаввурлар пайдо бўлди. Тилда янги пайдо бўлган сўзлар **неологизмлар** деб аталади. Бизнинг давримизда космодром, президент, фермер, ижарачи, валюта, авиаста, базис, баланс, бюджет, кадастр, камбист каби янги сўзлар пайдо бўлди. Янги пайдо бўлган сўзлар орқали ўзбек тилининг луғат бойлиги ҳам ортиб боради.

Бу дарсни мусобақа тарзида ўтказса, мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан: ўқувчилар 2 гуруҳга бўлинади: 1-гуруҳ вакиллари янги пайдо бўлган сўзларни, 2-гуруҳ эса эскирган сўзларга мисоллар ёзиши мумкин. Қайси гуруҳ энг кўп сўз ёзса, ўша ғолиб бўлади ва маълум балл билан кўп сўз ёзган талабалар тақдирланадилар.

I гуруҳ

Архаизмлар

омоч

қози

юзбоши

кашшоф

бўзчи

II гуруҳ

Неологизмлар

биржа

компьютер

лингафон

телеминора

Изоҳлар:

1. архаизм — эскирган сўзлар.
2. историзм — тарихий сўзлар.
3. неологизм — янги сўзлар.
4. валюта — бирор мамлакатнинг пул бирлиги (доллар, динар, сўм).
5. баланс — мувозанат.
6. бюджет — даромад(кирим) ва буромад (чиқим).
7. камбист — вексел ва валюта муомаласи билан шуғулланувчи шахс.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар.

1. Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романидан архаизм ва историзмларга мисоллар ёзинг.

2. Аукцион, бартер, бизнесмен, брокер, инфляция, концерн, лицензия каби атамаларни изоҳланг.

3. Архаик сузларни синоними билан ёзинг, яъни ҳозирги атамаси билан келтиринг. (Масалан: дудоқ-лаб, зулф-соч).

А. Фуломов ва бошқалар. Она тили. 6-7 синф учун дарслик. Т., 1994. (34-36 бетлар).

Ғ. Абдураҳмонов. Э. Шодмонқулова. Ўзбек тилининг амалий грамматикаси, Т., 1987.

4-машғулот

Мавзу: Кўп маъноли сўзлар - қариндош сўзлар.

Режа:

1. Нутқда бир ва кўп маъноли сўзларнинг ишлатилиши.
2. Сўзнинг ўз ва кўчма маъноси.
3. “Биттами ё кўпми” таълимий ўйини, “Чандишлар” ўйини.

Нутқда сўзлар бир маъноли (урғу, келишик, китоб) ва кўп маъноли бўлиши мумкин (кўз, от). Фақатгина биргина маънони англатувчи сўзлар бир *маъноли сўзлар* дейилади. Бир неча маънони англатувчи сўзлар эса *кўп маъноли сўзлар* дейилади. **Кўп** маъноли сўзлар, ўз асл маъносидан ташқари кўчма маънода ҳам ишлатилади: *кўз* сўзи - кўп маъноли. Бу сўз кўзинг оғриси — қўлингни тий, қорнинг оғриси — нафсингни тий, гапида асл маъносида қўлланган; узукнинг кўзи, булоқнинг кўзи, деразанинг кўзи каби сўз бирикмаларида эса кўчма маънода ишлатилади. Сўзнинг қандай маънода ишлатилганлиги сўз бирикмаси ва гапда билинади.

Сўз ва унинг маънолари устида олиб бориладиган дарслар ўйин тарзида ташкил этилса, ўқувчиларнинг бу топшириқни бажаришга бўлган қизиқиш даражаси беҳад юқори бўлади ҳамда талабалар ўрганилаётган тил ҳодисаларини ўзлаштириши енгиллашади. Шу билан бирга, *ўйин* ўқувчилар табиатига мос келадиган энг самарали усулдир, чунки ўйинни севмайдиган бола йўқ.

Масалан: ўқувчилар бир маъноли ва кўп маъноли сўзларни ўзлаштириб олиш учун “Биттами ё кўпими” ўйини қўл келади. Бу ўйин қуйидагича ўтказилади: Масалан: Ўқитувчи бир, китоб, от, кўз, ҳайвон, қулоқ, **ўт**, кўк, дафтар, оёқ, пайпоқ, омон, яхши, қуй каби сўзларни эшиттиради. Талабалар эса ўз дафтарларига *бир маъноли* сўзларни алоҳида, *кўп маъноли* сўзларни алоҳида устунга ёзиб борадилар. Топшириқни тез ва тўғри бажарган ўқувчи ўйинда ғолиб бўлади ва рағбатлантирилади.

“Чандишлар” ҳам кенг тарқалган сўз маъноси ўйинларидан бўлиб, сўзда лақиллатиш, чандиб олиш ҳисобига “Ғафлатдаги” ҳарфни ҳушёр торттириш, шу асосда сўзга, сўз *маъносига*, оҳангига моё ҳозиржавоблик мақсадини кўзлайди. Чандишлар диалог тарзида бўлиб икки талаба ижросида намоён бўлади. Улар ўзига хос илмоқдор ва сержило сўз мусобақаси ҳисобланиб, болаларнинг сўзда бир-бирларини туттириши, чандиши асосида юзага келади. Чандишлар болаларга сўзнинг хилма-хил оҳанг ва маъно товланишларини кашф этишга, ўзлаштиришга йўл очади.

Масалан:

- | | |
|-----------------------------------|-------------------------------------|
| — Карим қаёққа кетди? | — Тулки совун <i>ейдими?</i> |
| — Ола таёққа кетди. | — Тулки <i>товуқ</i> <i>ейди.</i> |
| — Салим қаёққа кетди? | — <i>Балли.</i> |
| — Қизил бўёққа кетди. | — Булбул <i>чўлда сайрайдими?</i> |
| — Какку кўкка учдими? | — Булбул <i>боғда сайрайди.</i> |
| — Какку кўкка учади. | — Бургут <i>сувда сузадими?</i> |
| — Бақа кўкка учдими? | — Бургут <i>тоғда яйрайди.</i> |
| — Бақа кўлга учади. | — <i>Балли.</i> |
| — <i>Балли.</i> | — Илон <i>узум</i> <i>ейдими?</i> |
| — Бўри узум <i>ейдими?</i> | — Илон <i>узум</i> <i>ейди.</i> |
| — Бўри қўзи <i>ейди.</i> | — Э,э... <i>Аҳмоқ шундай дейди.</i> |

Ўйин шу ерда тўхтайди. Бундай чандишларни истаганча чўзиш мумкин, уларда чандиш марраси биринчи адашувгачадир. “Илон узум *ейди*” жавоби ана шундай адашув марраси бўлиб, “Аҳмоқ шундай *дейди*” — чандишнинг ўзидир.

Савол мантиқсиз берилади, лекин жавоб берувчи сезгир бола саволга жавоб беришда мантиқсизликни тузатади.

Болалар ҳаёт ҳақиқатини тўғри идрок этолсалар, ўша ҳақиқатнинг чинлигига ишонсалар, товушлар алдашга ундаса ҳам, янглишмай ўша мантиқсизликни тузатиб, илгакни осон ва тўғри ечиб берадилар, чандишга учрамайдилар.

Демак, бу ўйинлар сўз маъносини фарқлашни ўргатиш билан бирга болани ҳаётга ҳам тайёрлаб боришда аҳамияти беқиёс.

*Кўп маъноли сўзлар - сафдошлар,
Йўқ, сафдош эмас, гўё сирдошлар.
Бир-бирингизга жуда ўхшайсиз,
Сиз аслида энг яқин қариндошлар.*

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар.

1. Она тили хонасидан бир ва **кўп** маъноли сўзларга мисол буладиган буюмлардан топиб, дафтарингизга ёзинг.
2. Ҳаётингизда ёлгон сўзлаганмисиз? Зарурий вақтларда ёлгон сўзни ҳам ишлатиш мумкинми? Изоҳланг.
3. Ўз ижодингиздан намуналар ўқиб беринг (ижодкор ёшлар булса).

1. А. Ғуломов ва бошқалар. Она тили. (6-7 синф учун дарслик). Т., 1994. 19-бет.

2. Тил ва адабиёт таълими. 1996 йил. № 4. “Она тили дарсларида таълимий ўйинлардан фойдаланиш” мақоласи. Муаллифи: А. Бобомуродова. “Ўқитувчи”. 18-бет.

3. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Тошкент. “Ўқитувчи”. 1990 йил. 301-302 бетлар.

**Мавзу: Исмингиз нимани билдиради?
Нима учун Тошкент ёки Самарқанд?**

Режа:

1. Ўзбек исмлар мазмунан бой ва тарихийдир.
2. “Ўзбек исмлари” (Э.А. Бегматов) китоби ҳақида маълумот.
3. Исмингизнинг маъносини билинг.
4. Тошкент ҳақида маълумот.
5. Самарқанд номига изоҳ.

Ўзбек исмлари ҳар бири ўзига хос мазмунга, маънога эга ва тарихийдир.

Бизнинг удумларимизга кўра, чақалоқ туғилар экан, албатта, қулоғига азон айттириб, исм қўйилади. Яхши ном қўйиш ҳам ота-онанинг бурчларидан бири ҳисобланади. Болага шундай ном қўйилсинки, токи гўдак улғайгач, ўз исмидан ҳижолат чекмасин, ўксимасин. Кўп исмларимиз борки, инсоннинг тақдири билан боғлиқ бўлиб, тарихий, яъни ота-боболаримизнинг удумларига тақалади. Масалан: Узоқ вақт бола кўрмаган киши бола кўрганда, унга “Худойберди”, “Эгамберди”, болалари турмаган ота-оналар эзгу ниятда “Турсуной”, “Турсунбой”, “Ўлмасхон”, “Ўлмасвой” қўйсалар, боласи кўплар “Тўхтасин”, ўғли йўқлар “Ўғилой” деб исм қўядилар.

Олтмиш, етмиш, саксон ёшда фарзанд кўрганлар “Олтмишвой”, “Етмишвой”, “Саксонвой” деб қўядилар. Ҳайитда туғилса, “Ҳайитой”, байрамда туғилса, “Байрамой”, рўза ойида туғилса, “Рўзихон”, жума кунда туғилган қизларга хислатли деб “Одина” қўядилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бундан ташқари, ҳар бир исмга ҳурмат юзасидан -хон, -бек, -жон, -ой, -той, -бой каби қўшимчалар қўшиб айтилади. Масалан: Ҳурматой, Ҳабибахон, Азизбек, Низомжон, Баҳорой, Араббой.

Ўзбек исмлари ҳақида ҳар ҳолда анча-мунча китоблар ёзилган. Ўзбек исмлари маъносини излаб, мавжуд китобларни яна бир бор ўрганиб чиқдик. Э.А. Бегматов “Киши номлари имлоси”, “Ўзбек исмлари имлоси” (Тошкент, 1972йил), “Ўзбек исмлари” (Тошкент, 1991йил) каби китобларни яратиб, исмлар бўйича бизда пайдо бўладиган саволларга илмий асосда жавоб берди. Ўзбек номлари ниҳоятда ранг-баранг, шуларнинг мазмуни ҳақида муаллиф “Ўзбек исмлари” китобини яратиб, 14600 та исмга изоҳ берган. Асосий мақсад бу исмларнинг маъносини кўрсатиш, ота-оналарга янги туғилган фарзандлари учун ўзларига маъқул бўлган исмларни танлашидир. Айни вақтда бу китоб ўзбек исмларининг кириллица ва латин ёзувида ёзилишида ҳар бир кишига, расмий идораларга кўмак бериб, бу борада қўлланма вазифасини ҳам ўтайди.

“Ўзбек исмлари маъноси” деб аталган ушбу луғат исмларнинг *этнографик* маъноларини изоҳлашга бағишланган, луғатда исмларнинг яратилиши ва болага атоқли от сифатида қўйилиши билан боғлиқ маънолар талқин этилган.

Ҳар бир инсон ўз исмининг маъносини билиб, уни изоҳлай олиши шарт. Масалан: Менинг исмим Хурматой, Hurmatoy (арабча)-қадрли, азиз ва ойдек сулув қиз.

Мана, 5-гуруҳдаги, баъзи аълочи талабаларнинг исмларини изоҳлаб бераман:

1. Дилдора — Dildora (форс-тожикча) дилдан севилган, чин муҳаббат соҳибаси, дилни ром қилувчи ёки раҳмдил, довюрак қиз.

2. Нигора — Nigora (форс-тожикча) гўзал чеҳрали, соҳибжамол.

3. Шаҳноза — Shohnoz (форс-тожикча) шоҳона, бекларча ёки нозли, карашмали, латофатли.

4. Сардор — Sardor (форс-тожикча) уруғ ёки қабила бошлиғи, қўмондон.

5. Саидмахмуд — Saidmahmud (арабча) бахтли ҳамда мақтовга сазовор бола ёки Муҳаммад ато қилган бахт, саодат.

6. **Хушнуд** — Xushnud (форс-тожикча) мамнун, хурсанд, шод, фараҳли.

7. **Зиёда** — Ziyoda (арабча-ўзб.) умри зиёда, бахтли бўлсин.

8. **Дилноза** — Dilnoza дили нозик, нафис, дил соҳиби.

9. **Нафиса** — Nafisa (арабча) фойда келтирувчи, яхшилиқлар қилувчи, саховатли.

Хуллас, ҳар бир одам ўз исмининг маъносини билиши унинг маънавий бой инсонлигидан далолат беради.

Мен гуруҳдаги 9 та аълочи, гўзал исми талабаларимизнинг исmlарига изоҳ бериб утдим. Ҳар ким мазкур китобдан ўз исмининг маъносини билиб олсин.

Нима учун Тошкент?

Она шаҳрим - Тошкентимсан

Ўзбекистон пойтахтисан

Доно шаҳрим - Тошкентимсан

Гўё шохнинг тож - тахтисан.

Тошкентнинг Эски Жува майдонида IX асрдан бошлаб то мўғиллар истилоси замонигача Бинкат деган шаҳар бўлган. Бинкат ўрта асрдаги Тошкент бўлиб, Шошнинг маркази. “Шош” туркийда Тошканд, юнончада “Тош қалъадир”, - деб ёзади. Беруний ўзининг “Қонуни Масъудий” асарида. Чоч номи эса Тошкентнинг ёшини 2000 йил дейишга далил бўла олади. “Тошкент” сўзининг келиб чиқиш тарихи ҳам шу сўздан олинган. У Юнон олими Птолемейнинг (I—II аср) “Жуғрофиядан қўлланма” асаридаги Ўрта Осиё харитасида кўрсатилган ва уни Абу Райҳон Беруний “Тошқўрғон” деб эслатган. Хитой ёзма манбаларида эса унинг “Чжеши” (тошлоқ ер) деб ёзилиши кўрсатилган, “Чоч” сўзи суғд тилида “Тош уюми” деган маънога, кейинчалик “Чоч” ёки араб ёзма манбаларида “Шош” кўринишида ёзилган. (Араб алифбосида “Ч” бўлмаган).

Самарқанд — кўҳна ва қадимий шаҳарлардан булиб, у ерда не-не буюк алломалар, сиймолар ўтган — Темур, Улуғбек, Бобурлар. Масалан: М. Юсуф “Самарқанд” шеърида шундай деб ёзган:

*Самарқандга борсам мен агар
Улуғбекни кўрмай қайтмайман.
У қон йиғлаб турар ҳар сафар
Мен дардимни кимга айтаман?!
Азиз жойлар Самарқандда кўп,
Эзгу бурчдир зиёрат қилмоқ.
Кўнгил деди: остонасин ўп,
Қадамжого бахтдир эгилмоқ.
Соҳибқирон Амир Темурни
Боши узра тутган Самарқанд,
Олқишларга лойиқ умрни
Сен айладинг яна аржуманд.
Регистонда Мирзо Улуғбек
Мадрасаси ақлимни олди.
Мадрасалар аро қутлуғдек,
Хаёлимга ўрнашиб қолди.
Бахтдир, дўстлар бу олам аро
Самарқандлик деган азиз ном.
Навойидек бир достонсаро
Фирдавсмонанд деб айтган қалам.*

Самарқанд жаҳоннинг энг кўҳна шаҳарларидан бири бўлиб, 2500 йиллик тарихга эга. Жуда кўп азиз қадамжолару, регистону мадрасалари бор.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар.

1. Исмингиз маъносини биласизми? Тўлиқ изоҳлаб беринг.
2. Сизга қандай исмлар ёқади?. Нима учун?
3. Тошкент ҳақида нималарни биласиз?
4. Самарқанд вилоятига оид макет тайёрлай оласизми?
5. “Асака” сўзини изоҳланг.

6-машғулот

Мавзу: Омонимлар, антонимлар, синонимлар.

Режа:

1. Омоним сўзлар ва улар ёрдамида туюқнинг ривожланиши.
2. Синонимлар - тил бойлиги.
3. Антоним сўзлар ва уларни ўрганишда ўйин машғулотларидан фойдаланиш.

*Ўзбек тилим сўзга бой,
Сизга аён ҳойнаҳой.
Бу тилда сўзлаганда
Булбуллар қилар ханда.*

Шакл ва маъно муносабатларига кўра сўзлар уч турга бўлинади: омоним, синоним, антоним.

Талаффузи, ёзилиши бир хил, маънолари ҳар хил бўлган сўзлар **омонимлар** дейилади. Омонимларни кўп маъноли сўзлардан фарқлаш лозим. Улар айтилиши ва ёзилиши бир хиллиги жиҳатдан ўхшаш бўлса-да, омоним сўзлар маъносида ички боғланиш бўлмайди. Уларнинг ҳар бири алоҳида маънога эга бўлган сўзлардир. Масалан: соз. «**Соз**» сўзининг ҳар бир маъноси алоҳида сўз ҳисобланади:

Созни яхши чалади. Бу ишинг жуда соз бўлибди-да.

Кўп маъноли сўз эса, ўз номидан англашилаётгандек, бир неча маъноси бўлган бир сўздир. Кўп маъноли сўзлар англаган маъноларда ички боғланиш бўлади.

Тилда омоним сўзларнинг ўрни катта. Улуг шоирларимиз омоним сўзлар ёрдамида **туюқ** жанрини (усулини) ривожлантирдилар:

*Шамъ янглиғ ёнадур бошимда ўт
Куз ёшимдин ер юзида унди ўт
Қон ёшим қилди йўлингни лозор,
Мунча тақсир айладим,
Бир қошиқ қонимдан ўт.*

(А. Навоий).

(Ўт — омонимлар, 3 хил маънода келяпти).

*Кечти умру тушмади ул ёр ила
Қурқарам кўнглум бу ғамдин ёр ила
Бу вафосизликки, сендин кўрмишам
Эътиқодим қолмади ҳеч ёр ила.*

(Лутфий).

*Мунисо, тўкмай йигирма етти ёш,
Ваҳ йигирма етти узра етти ёш.
Ёш каби машғуллик қилмоқ надур,
Ҳар қачон ким суҳбатингга етти ёш.*

(Мунис).

*Ғам юки то қоматим ё қилмади.
Оҳим утига фалак ёқилмади.
Қилмади раҳм манга, худ узгача,
Билмадимки қилдиму ё қилмади.*

(Оғаҳий).

*Бодасиз бетобмен бу кеча мен.
Лаълинг истаб энди жондин кечамен.
Соҳили мақсадга етқайманму, деб,
Кўз ёшим дарёсида сув кечамен.*

Синонимлар тил бойлиги бўлиб, аввало, шахс ва нарсаларнинг энг нозик маъно бўёқларини ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан:

*Гулшанда гулларни тебратар сабо.
Адашганда йўлчидай дайди юрар ел.
Мен буюк юрт ўғлидирман,
Мен башар фарзандиман.*

Демак, бир умумлаштирувчи, бирлаштирувчи маънога эга, аммо маъно нозикликлари билан фарқланувчи ҳамда талаффузи, ёзилиши ҳар хил бўлган сўзлар синонимлар дейилади.

Масалан: юз, беш, афт, башара, чехра, турқ, дийдор, тус, ранг.

Синонимлар одатда бир сўз туркумига мансуб бўлади: дўст, ўртоқ (от), аъло, яхши (сифат), юксалмоқ, ўсмоқ (феъл), кўп, мўл (равиш).

Синонимлар гапдаги такрорга йўл қўймайди. Ўринсиз такрор нутқнинг ширасига путур етказади.

Синонимлар адабий тилни бойитиш манбаларидандир. Ўз имкониятларимиздан ташқари (ишсиз-беиш), бошқа тиллардан сўз олиш усули билан синонимик қаторлар кенгайверади: дастур (режа), насим (ел), ботир (мард, жасур, қахрамон), ота (падар), ўқитувчи (муаллим), киши (инсон, башар), туғилмоқ (таваллуд топмоқ) ва бошқалар. Булар нутқни раван ва таъсирли қилади:

*Эрур бас чу ҳусну малоҳат сенга,
Ясанмоқ. безанмоқ не ҳожат сенга,
• (А. Навоий).*

*Минглаб гулистондан афзалдир бу жой,
Шу қадар чиройли, шу қадар гўзал!*

Содда синонимлар бир сўздан иборат бўлади: дўст, ўртоқ, юрт, ўлка.

Баъзан улар бир шеърда бирин-кетин қўлланилади:

*Ул ойки, кула-кула қироғлатди мени
Йиғлатди мени деманки, сиктатди мени.
(А. Навоий).*

Фразеологик синонимлар ҳам бўлади: *оғзига толқон солмоқ — мум тишламоқ* каби.

Тилимизда баъзан шартли синонимлар ҳам учрайди. Ҳ.Олимжон Офелиянинг чиройини бўрттириш учун чирой сўзи билан қаноатланмай, ўз сўзида фойдаланади.

*Нега керак эди, шу чирой. шу ўт?
Шу ёниқ юлдузни кўзга яширмоқ?*

Хуллас, синонимлар адабий тилнинг жозибадор ва ранг-баранг бўлишида муҳим аҳамиятга эга.

Луғатларнинг яна бир манбаси **антонимлар** бўлиб, инсон фаолиятидаги энг муҳим сиёсий, ахлоқий қарашлар умумлашмасини айнан ифодалашда қулай усул саналади: *Яхши топиб сўзлар, ёмон қопиб сўзлар.*

Антонимлар бир-бирига зид, қарама-қарши маъно билдирувчи сўзлардир. Масалан: катта-кичик, иссиқ-совуқ. Улар мана шу хусусияти туфайли воқеийлик зиддиятини қиёсий ифодалашган тимсоллар фаолияти ва хислатининг зиддиятли нуқталарини тасвирга сингдиришда бадиий сўз санъаткорлари томонидан умумий қўлланилади. Халқ мақолларида ва ибораларида ҳам антонимларнинг шу хусусияти мужассамланган. Масалан: Яхши топиб гапирар, ёмон қопиб гапирар. Ақлли ўзини айблар, ақлсиз дўстини.

Антонимлар кўпроқ бадиий нутқда қўлланиб, қарама-қарши тушунча (тазод) услубини яратиш учун хизмат қилади:

Либосни бой кийди-бизлар яланғоч.

Мени ким кўрса, фарқ этмас,

хазон бирла баҳоримдин.

А.Навоий, Фурқат, Муқимий, Ойбек, Фафур Фулом, Ҳ.Олимжон каби сўз даҳолари тазод санъатидан, яъни қарама-қарши сўзлардан кенг фойдаланганлар:

Кўзида сув ва лекин кўнглида ўт.

Бўлиб ҳар сори боқмоқдин кўзи тўрт.

(А. Навоий)

*Чархи кажрафторнинг бир шевасидан доғман,
Айшни нодон суриб, кулфатни доно тортадур.*

(Фурқат)

*Кўндүзни тун ўйлаб, сархатга келди тўғри,
Кўршапалак охири оташига келди тўғри.*

(Ҳ.Олимжон)

*Сенинг 17 ёшинг, камолингдан ўргилай
Хоҳ шўху. хоҳ ювошинг ёмонингдан ўргилай.*

(Т. Содиқова)

Агар антонимлар орасида **ва** боғловчиси, **-у**, **-ю** юктамалари келса, чизиқча ишлатилмайди:

*Бунда ёндош шодлик ва қайғу
Ёруғ осмон, кечаю кундуз.*

(Э. Воҳидов).

Антонимларни ўрганишда ўйин машгулотларидан фойдаланиш мумкин. Масалан: “Яхшилар ва ёмонлар” ўйини талабаларга яхши одамлар ҳақида айтиладиган сўз бирикмаларини бир қаторга, ёмон одамлар ҳақида айтиладиган сўз бирикмаларини иккинчи қаторга ёзиш топшириғи берилади.

Масалан:

Яхши одамлар.

чумолидай мехнаткаш

қўйдаё ювош

мусичадай беозор

булбулдай хушовоз

шердай қўркмас

эчкидек эпчил

туядек сабрли

Ёмон одамлар.

ниначидай дангаса

итдек копагон

тўнғиздай қўпол

қарқиноқдек қақилдоқ

куёндек қўрқоқ

тошбақадек эзма

бўридек очкўз.

Хуллас, шу тарзда антоним бирикмалар ёзиб борилаверади, қарама-қарши бирикма ёзолмай қолган ўқувчи ўйиндан чиқади.

Мавзуларни янада яхшироқ ўзлаштириш учун Т.Мирзаевнинг “Машқлар тўплами” дан синоним, омоним, антонимларга оид 22,23,25,26-машқларни бажариш мумкин.

Масалан: 25-машқ. Ўзингизга манзур бўлган бадий асарлардан кўк, куй, ош, бор сўзларининг омонимларига

бир неча мисол топиб, уларнинг бир-биридан фарқини тушунтиринг.

*Дўстлар, кўкда юлдузлар эмас,
У Улуғбек кўзидаги ёш.*

(А. Орипов).

Кўкда — осмонда маъносида.

*Кўм-кўк, кўм-кўк, кўм-кўк,
Кўклам қуёшидан қизарган ерлар кўм-кўк.*

(Ҳ. Олимжон)

Кўк — яшил ранг маъносида.

Шунга ўхшаш хоҳ насрий, хоҳ шеърий асарлардан мисоллар ёзиш.

Ш. Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати” деган китобидан омоним сўзларни топиб, мисоллар ёзиб, гаплар тузса бўлади.

*Бир маънога эгаману, шаклим ҳар хил
Синоним сўз дегайларким, мени халқим,
Шаклим бир хил, лекин маъно ҳар хилдир
Омонимман, менга мисол от, ўт, тилдир.
Маъноси бир-бирига зид бўлган
Антонимман, қаршиликларга тўлган.*

Изоҳ.

1. Омоним — шакли бир хил, маъноси ҳар хил сўзлар.
2. Синоним — талаффузи, ёзилиши ҳар хил, маъноси бир хил сўзлар.
3. Антонимлар — маъноси қарама-қарши сўзлар.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар.

1. А.Навоий, Бобур, Лутфий, Огаҳий, Фурқат каби мумтоз адабиётимиз намояндalarининг туюқларидан ифодали ёд уқинг.
2. Бирор бадий асардан синоним сўзларни топиб дафтарингизга кўчиринг ва гаплар тузинг.

3. Икки ўқувчининг яхши ва ёмон одат ҳамда хислатларини бир-бирига қиёслаб ёзинг, антоним сўзларга изоҳ беринг.

1. *Ф. Абдураҳмонов, Э. Шодмонқулова. Ўзбек тилининг амалий грамматикаси. 19-бет.*

2. *Ф. Абдураҳмонов, Ҳ. Рустамов. Она тили. 10-11 синфлар учун дарслик. 1997 йил. 101-105 бет.*

3. Она тили дарслиги. Т. 1992 йил. 102-103 бет.

7-машғулот

Мавзу: Алифбо бўйлаб саёҳат, нутқ оҳанглари.

Режа:

1. Ўзбек алифбоси ва имлоси.
2. Нутқ товушлари (оҳанглари).
3. Алифбо бўйлаб саёҳат.

*Алифбода сафда турар 29 та азамат.
Сўз тузади сўздан-сўзга
Маъно беради қат-қат,
29 ҳарф яшайди дўст, иноқ
Шунинг учун улар йўли очиқ, порлоқ
29 ҳарф бахт улашар элга
Ишлар улар доим чиқмасдан таътилга.*

Жаҳон тарихидан маълумки, юксак маънавият, бой маданиятга эга бўлган ҳар бир халқнинг ўз тили, ўз ёзуви бўлган. Айни пайтда мустақиллик сари юз тутган республикамизда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиш лозим деб топилди.

Янги ўзбек алифбосига ўтиш жараёни 1996 йилдан 1-синфдан бошлаб босқичма-босқич 2005 йилгача амалга оширилади.

Ҳозирги кириллча ҳарфга асосланган алифбода нутқ товушлари 2 хил бўлади:

1. Унли товушлар. 2. Ундош товушлар.

Ўзбек адабий тилининг унли фонемалари тилнинг горизонтал ҳолатига, вертикал, лаблар иштирокига кўра тавсифланади.

И — олд қатор, тор, лабланмаган.

У — орқа қатор, лабланган, тор унли.

Э — олд қатор, ўрта кенг лабланмаган.

Ў — орқа қатор, лабланмаган, ўрта кенг унли.

А — олд қатор, лабланмаган, кенг унли.

О — орқа қатор, кенг, лабланмаган.

Ундош фонемалар эса 25 та бўлиб, қуйидагича тавсифланади:

Лаб ундошлари

а) лаб-лаб — п, б, м;

б) лаб-тиш — ф, в.

Тил ундошлари

а) тил олди — т, с, қ, д, з, н, л, р, ш, ч, ж;

б) тил орқа — й, к, ч, нг.

Бўғиз ундош —ҳ.

Сонорлар — м, н, л, р, н, г.

Шовқинлилар — п, б, ф, в, т, с, ц, д, з, ш, ч, ж,

й, к, г, қ, ҳ, х, ғ.

Ана энди юқоридаги товушларнинг яхши ўргандик ва “Алифбо бўйлаб саёҳат” деб номланувчи қизиқарли саёҳат дарсимизни бошлаймиз.

Мен, яъни ўқитувчи, ҳайдовчи вазифасини ўтайман: — Ҳозир болалар, алифбо бекатида тўхтаймиз деб бекатдаги 1-талабага қуйидаги саволни тез бераман ва у ҳам тезлик билан жавоб қайтаради.

С а в о л: *Алифбо нима? Ўзбек алифбосини ёд айта оласизми?*

Ж а в о б: *Қайта ўтиради, яъни тасаввурида экспрессга чиқади, жавоб бермаса бекатда қолади, яъни ўрнида тик туради.*

Энди болалар, **унлилар** бекатида тўхтаймиз ва бир йўловчига шундай савол билан мурожаат қилмоқчиман.

Ўзбек тилида нечта соф унли бор? Улар қайсилар?

Ж а в о б: *б та: А, О, И, У, Э, Ў*

Экспрессга чиқишингиз ва биз билан алифбо бўйлаб саёҳатда давом этишингиз мумкин.

Энди **ундошлар** бекатидамиз. Навбатдаги йўловчи, жарангли ва жарангсиз ундошларни фарқлай оласизми?

— Жавоб бор ёки йўқ.

Яна кейинги йўловчига:

“Б” фонемасига таъриф беринг.

Ундошлар иштирокида сўзлар айтинг.

Хуллас, ўйин шу тариқа давом этаверади. Билмай қолган ўқувчи худди автобусга сиғмай қолган одамдек мулзам бўлади ва билиш учун ҳаракат қилади. Экспрессда саёҳатга борганлар, яъни ҳар бир бекатдаги саволга жавоб берган саёҳатга маълум балл олиб шу совғалар билан яхши кайфият билан саёҳатдан қайтади.

Саёҳат давомида болалар алифбо ва нутқ товушлари ҳақида яхши маълумотга эга бўлади ҳамда дарс жуда қизиқарли бўлади. Чунки саёҳатни ёқтирмаган боланинг ўзи йўқ.

Унли ва ундошлар.

Товушларни таъриф этай

Улар тилнинг заргари.

Шу боисдан алифбодан

Жой олишгандир бари.

Олтовимиз биз унутманг

Баримиз оға-ини.

Бизда бор фақат овоз

Ҳамма билсин-да буни.

*О ва А биз қариндош,
И ва Э эса сафдош.
У ва Ў бор яна
Баримиз сўзда бош-қош.
25 ундошмиз, бизда
Ҳам овоз, ҳам шовқин бор,
Ҳаммамиз ҳам бирмиз-да
Сўз тузишда биз илғор.
“Б” бошланамиз,
Х билан - чи, тугаймиз
Нутқ бизнинг бошпанамиз
Биз ҳам уни суйгаймиз.
Унли, ундош жам бўлишиб
Алифбода тўплами
Аввал товуш, сўнг сўз бўлиб
Тил бойлиги бўламиз.*

*Молу дунё йиғсанг, тугар, олқинар,
Ёзилса қолар сўз, жаҳонни кезар.*

(Юсуф Хос Ҳожиб)

*Ҳар сўзки кўнгилдан бўлди мавжуд,
Гар ўлмаса, бўлгай эрди нобуд.*

(Мунис).

Демак, ҳарфларни, товушларни, хуллас, ёзувнинг аҳамияти катта, келажак авлодга ёзув орқали кўп маданий мерос қолдириш мумкин.

1. Тил ва адабиёт таълими.
2. Ҳозирги ўзбек адабий тили.

Изоҳ.

1. Фонема — товуш.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар.

1. З.М.Бобурнинг алифбо ҳақидаги қандай асари бор?
2. Алифбони ёд айтинг.

3. Товуш билан ҳарфнинг фарқини тушунтиринг.
4. Баҳру байт мусобақасини ўтказинг.

8-машғулот

Мавзу: Тақлид, тез айтиш.

Режа:

1. Нафосат, гўзаллик шу тилга хосдир.
2. Тақлид санъати.
3. Тез айтишлар ва уларнинг аҳамияти.
4. Тез айта оласизми?

Она тили.

*Навоий ғазалин ҳар бир сатрида
Нафосат, гўзаллик шарқ тилга хосдир,
Шунчалар қудрат бор сўзнинг атрида
Ҳар бир сўз дурдона ёки олмосдир.
Тонготар файзини, най навосини,
Далалар шукуҳин об-ҳавосини.
Висол чоғларини, дил садосини
Одамнинг жамики муддаосини*

*Барини, барини куйламоқ мумкин
Одамда не бўлса ўйламоқ мумкин.
Шу қадар сермаъно она тилимсан
Таржимон, энг доно она тилимсан.*

*“Пахта” деган битта оддий сўзингда
Жаҳонга арзирлик улуғ маъно бор,
Нега мақтамайин мен она тилим
Дилрабо сўзлари ўйнатса дилим.*

(Ҳ. Нурий.)

Ҳа, дилрабо сўзлари, гўзал ташбеҳлари, доим мақолу бой ҳикматлари билан инсонни дилига ажиб ҳис бахшида этган она тилим сўзга бой. Унинг фразеологиялари,

синониму антонимларидан ташқари, таъкидлари, тез айтишлари бор. Шунинг учун Кошғарий авайлаган, Навоий улуглаган, Бобур куйлаган, Лутфий муҳр қилган, Машраб қалб ардоғини қўшган, Нодира юрак қонини берган, Эркину Миртемир, Абдулло-ю, М. Юсуфлар ўз эҳтиромларини шу тилда баён қилган она тилимиз билан фахрланмоғимиз даркор.

Мана, тилимизда тақлид сўзлар мавжуд. Улар, атрофимизни ўраб турган муҳитда (одам, ҳайвон, қуш — жонсиз нарсаларда) учрайдиган овоз (товуш)ларни қайта тиклаб, товуш образи сифатида, нарсалар ҳаракати тасвирини эса ҳаракат тимсоли сифатида ифодалайди.

Улар 2 хил бўлади: Товушга тақлид сўзлар ва образга тақлид сўзлар.

Товушга тақлид сўзлар табиатда учрайдиган турли товушларга тақлидни ифодалайди. Масалан: хи-хи-хи-кулгуга тақлид. Инга-инга — чақалоқ йиғисига тақлид, вов — ит хуришига тақлид, ме — эчкига тақлид. Гумбур-гумбур, жангур-жунгур, тарс-тарс, пақ-пақ, тақир-туқур каби сўзлар табиат ҳодисаларига, машина, дарахт, темир товушига тақлидни ифодалайди.

Мисоллар:

*Олисдан жангир-жунгур,
Яқиндан оддий темир.*

(З. Диёр).

*Ажойибдир оқ лайлак,
Ноғора чалар тақ-так.*

(Қ. Муҳаммадий).

*Тўним тўп-тўп этасан,
Урсам, учиб кетасан.*

(З. Диёр).

*Дукур-дукур от келди,
Чиқиб қаранг, ким келди?*

(Фольклор).

— *Курбақажон, вақ-вақа,
Кўзинг нега бундақа?*
— *Бугун ўсма қўймадим,
Шунинг учун шундақа.*

Тақлид одамнинг товушига ҳам бўлади. Масалан, сўз усталари артистларнинг, машҳур кишиларнинг овозига ўхшатиб, тақлид қиладилар, жумладан улар Зикир Муҳаммаджонов, Аброр Ҳидоятлов, Турғун Азизов, Ҳамза Умаров, Пўлат Саидқосимов каби ажойиб санъаткорларнинг машҳур гапларини айтиб, тақлид санъатини ривожлантирмоқдалар. Кўпчилик талантли актёр Ҳамза Умаровнинг кулгусига тақлид қилади.

Она тилимизда тез айтишлар ҳам бор. Тез айтишлар нутқ товушларининг уйғунлигига асосланган жанр бўлиб, ўхшаш товушлар ёки сўз бирикмаларининг бир нафасда шиддатли айтилиши жараёнида у ёки бу товуш, у ёки бу сўз талаффузида чалғиш ё тугилиш натижасида воқе бўлувчи маъно ўзгариши негизда юзага келади: “Наманганда уста Муса пуч пистафуруш бор экан. Ўша уста Муса пуч пистафурушнинг олтмиш уч пуд пуч пистаси бор экан. Олтмиш уч пуд пуч пистаси бўлса ҳам - ўша уста Муса пуч пистафуруш, олтмиш уч пуд пистаси бўлмаса ҳам - ўша уста Муса пуч пистафуруш.

У тез айтишда савдодаги қаллобликни фош этиш - етакчи асос “п” ва “ч” товушлари - аллитерация асоси. Тез айтиш учун муддао ҳусни - мотивни ифодаловчи воситага айланган, аллитерация ривожига туртки берувчи ўзак ҳам шу иборада. Муддао ҳусни, аслини олганда, ҳам шеърий, ҳам насрий тез айтишларда турғун вазифасини ўтайди:

*Қишда кишмиш пишмасмиш,
Пишса кишмиш қишмасмиш.*

Тез айтишлар воситасида болалар она тилидаги товуш ва сўзларни равон, бурро, аниқ талаффуз этишни, товушлар оҳангдорлигини, сўзларнинг нозик маъно оттенкаларини

ҳис ва идрок қилиш, англаш ҳамда илғаб олишни машқ қиладилар.

Шу маънода тез айтишлар товуш ва сўзлар устидаги поэтик - мантиқий машқлар ҳисобланади. Улар ўқувчининг нутқини ривожлантиради, сўз бойлигини ўстиради, сўзлашда адашмоқликка йўл қўймайди.

Тез айтишлар ранг - баранг товуш аллитерациялари, омонимлар, омофонлар, омографлар, паронимлар ва тавтологияларга асосланган маъно товланишлари билан ҳам болаларни қизиқтиради.

Қани адашмай, дудуқланмай бир нафасда неча марта тез айтиш айта оласиз?

Ким тез ва кўп айта олади? Нафас олманг. Ҳар бир бола биттадан тез айтиш айтади. Энг кўп айта олгани голиб ҳисобланади. (Бир киши айтади, қолганлар санаб туради).

Ғани ғилдиракни ғизиллатиб ғилдиратди.

Ғули ғулли ғиламни ёйдими?

Ғулли ғиламни Ғули ёйдими?

Оқ чойнакка кўк қопқоқ,

Кук чойнакка оқ қопқоқ,

Эркин эгатга эртаки экинини эрталаб экди.

Ёрқин ёзда Ёрматга ёрдам берди.

Шу тариқа тез айтишлар давом этаверади. Масалан: биров 4 марта айтса, биров 15-20 марта айтиши мумкин.

Шеър.

Тез айта оласизми?

Соз айта оласизми?

Бир нафасда, ўртоқжон

Юз айта оласизми?

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар.

1. Тақлид сўзлар иштирокида гаплар тузиб, дафтарингизга ёзинг.

2. Тақлид санъати билан шуғулланувчи сўз усталаридан кимларни биласиз?

3. Тез айтишлардан бир нафасда нечта айта оласиз? Уриниб кўринг!

1. *Имомов* ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили.

2. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Тошкент. “Ўқитувчи” - 1990 йил.

9-машғулот

Мавзу: Сўз дарахти. Ҳамма нарса илдиждан ўсади.

Режа:

1. Сўз ҳақида сўз.
2. “Сўз дарахти” чизиш.
3. “Сўз занжири” ўйини.
4. Сўз ҳақидаги мақоллар.

*Бир оғиз сўз билан дил вайрон бўлади,
Бир оғиз сўз билан дил обод бўлади.*

Демак, ҳаётда сўзнинг ўрни, унинг қадри жуда баланд. Бу ўткинчи дунёдан кўз юмар эканмиз, яхши ишимиз, яхши сўзимиз қолади. “Яхши сўз билан илон инидан чиқар” деган нақл бежиз айтилмаган. Агар бировга эҳсон учун моддий бойлигимиз бўлмаса, ширин сўзимизни ҳадиэтайлик, ширин сўзимиз бўлмаса, ёмон сўзимиз билан дилга озор бермай, сукут сақламоғимиз афзал.

Энди илмий томондан оладиған бўлсақ, сўз луғат таркибининг энг аниқ, энг муҳим қисмидир. Товушлар ҳар бир тилнинг хусусиятига кўра муайян тарзда бирикиб, сўз ҳосил қилади.

Луғат составидаги барча сўзлар умумий хусусиятлари бўйича ўрганилади. Биз сўзни бир дарахт деб оладиган бўлсак, унинг қатор ўз илдиzlари, япроқлари, танаси, шохлари мавжуд. У ўз илдиzlари орқали суғорилиб, “Маъно” деган мева етиштириб беради.

Биз қуйидаги хусусиятларни сўз дарахтининг илдизу япроқлари деб олдик.

1. Товуш, ҳарфлар.

2. Сўзнинг семантик тузилиши.

3. Лексикадаги сўзларнинг ўз ёки ўзлашганлиги.

4. Қўлланишига кўра сўзларнинг умумий ёки чегараланганлиги.

5. Тарихий жиҳатдан ўзбек тили лексикаси.

6. Сўзларнинг эмоционал - экспрессив бўёги.

Дарсда “Сўз занжири” ўйинини ўйнаш. Талабалар бирма - бир ёзув тахтасига чиқиб, “сўз занжири” ни тузадилар. Ким тўхтаб қолса, мағлуб, узун занжир тузган ғолиб бўлади. Ўйин мушоира тарзида давом этади.

1-ўқувчи:

Анор+раҳм+меҳмон+нон+неъмат+тош+шоҳ+ҳурмат+топқир...

2-ўқувчи:

Арча+ақл+лола+айб+ботир+рози+иқроп+ранг+гул+лочин...

Шу тариқа бир нафас тўхтамай давом этилади. Талаба ёзишдан бир дақиқа тўхтаса ҳам, ўйин тўхтади ва сўзлар саналади. Ким кўп сўз топган бўлса, ғолиб, лекин биронта сўз қайтариб ёзилмайди.

Ёки “Сўз топинг!” ўйини. Унда ўқувчи бир дақиқада нечта сўз топа олади, 5 дақиқада-чи, 10 дақиқада-чи? Жами сўзлари ҳисобланади. Энг кўп сўз топа олган ўқувчи ўйиннинг ғолиби ва у ўқитувчи тайёрлаган “сўз устаси” медали билан тақдирланади. (Рамзий маънодаги медални чизинг).

Сўзга оид мақол ва ҳикматлар.

1. Сўз танлашда ва ундан жумла тузишда узоқ андиша керак. (А.Қодирий).

2. Сўз кўп ерда маъно кам.

3. Инсонни инсон қиладиган ҳам, яксон қиладиган ҳам сўз.

4. Ширин сўз ҳам садақадур. (Ҳадисдан).

5. Яхши сўзлашни одат қил, чунки тили ширинни ҳамма яхши кўради.

6. Тўғри сўз қиличдан ўткир.

7. Ширин сўз — шакардан ширин.

8. Ширин сўзингиз билан ўликка жон беришингиз мумкин.

9. Тўғри ва чиройли сўз — нафосат.

10. Одамни севдирган ҳам, бездирган ҳам сўзи.

11. Бир варақ қоғозга беш сўз ёзгунча,
Минг бора ўйлайман, токи бу —
Сиздай доно бола, ўғил-қизларим,
Битта мўйсафидни қилмасин кулгу.

(Ғ. Фулом).

Изоҳ.

1. Семантик — маъно жиҳатдан.

2. Лексика — сўз.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар.

1. “Кам гапга камол”, “Ширин сўз садақадур”, “Одамни севдирган ҳам, бездирган ҳам тил” каби мавзулардан бирини танлаб, мустақил матн тузинг.

2. Сўз дарахтини чизинг.

3. “Ширинсуханлик” мавзусида гуруҳингизда баҳс-мунозара ўтказинг.

10-машғулот

Мавзу: Сўз тартиби.

Режа:

1. Сўз тартибли бўлгани яхши, лекин...
2. Инверсия - тартибнинг ўзгариши.
3. Тартибга чақириб кўйинг! (Яъни сўзларни одатдаги тартибга солиш).
4. Шеърят. (шеърый, яъни назм дарси ёки “Баҳру байт” мусобақаси).

*Тилдаги гаплар яхши
Сўз эса унинг нақши.
Ҳаётда, ҳатто сўзда
Тартиб бўлгани яхши.*

Ўзбек адабий тилида ҳам, оддий сўзлашувда ҳам одатдаги тартибга кўра эга гап бошида, кесим гап охирида келади.

Биз ўқишдан кеч қайтдик. Ўқишдан биз кеч қайтдик. Бу гапларда сўз тартибининг ўзгариши гапнинг умумий мазмунига маълум даражада таъсир этган: логик урғу ҳар бир гапда бошқа — бошқа бўлакка тушган.

Гапда тартиб бўлгани яхши. Худди ишда, оилада интизом яхши, тартиб жойида бўлса, ҳамма нарса яхши, лекин бу ерда тартиб бўлмаса ҳам гап пала-партиш бўлиб кетмайди. Аксинча, гаплар оҳангдор чиқади. Демак, гап бўлақларининг ўрни алмашилиб турилиши ҳам яхши экан-да.

Гап бўлақларининг ўрин алмашиши — одатдаги тартибнинг ўзгариши инверсия дейилади. Инверсия турли стилистик талабларга кўра содир бўлади. Масалан: Ҳис-ҳаяжон бўлса, *Яшасин мустақил Ўзбекистон!* Тартибга кўра, *Мустақил Ўзбекистон яшасин!*

Инверсия ҳодисаси, одатда, шеърятда кўп учрайди.

*Мени кутгин ва мен қайтарман
Фақат кутгин жуда интизор.
Кутгин ёмғир зериктирганда,
Мени кутгин ёққанида қор.*

Сўз тартибининг ўзгариши грамматик ҳолатни ўзгартириши ҳам мумкин: Бунда қуйидаги ҳолат кўзга ташланади: Эга, кесимнинг ўрни ўзаро алмашса, эга кесимга, кесим эгага айланади:

Етти кун — бир ҳафта. **Бир ҳафта** етти кундир.

Лекин шеърларда грамматик ҳолат ҳамиша сақланиб қолади.

Бу дарсни назмий дарс тарзида ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Аввало, шеър ҳақида маълумот берилгач, ҳар бир талаба ўзининг севимли шеърларидан ифодали айтиб чиқади.

Масалан: А. Ориповнинг “Баҳор” шеърідан:

*Онамни сўрайман сендан эрта-кеч
Қайтар деб сўрайман чок этиб яқо,
Аммо менинг дардим саволимга ҳеч
Жавоб беролмадинг, эй соқов даҳо!
Жавоб ололмади ҳеч ким ҳам зотан
На султон, на гадо, на шоҳ, на фақир.
Ким қанча қувмасин сенинг ортингдан
Бир уюм тупроқни кўрсатдинг охир.*

Кимдир М. Юсуфдан айтади:

*Юртим, кўнглингдек кенг осмонларинг бор,
Тошларни йиғлатган дostonларинг бор.
Ўтмишингни ўйлаб оғрийди жоним
Кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор.
Алҳазар, алҳазар, минг бор алҳазар,
Ана юришибди кийганлари зар.
Қодирийни сотиб шоир бўлганлар*

*Меҳробингдан чиққан чаёнларинг бор,
Кимдир Шукрулло шеърятига ошно:
Ёшлик чоғларимда сафарга чиқсам,
Мабодо қайгадир оқшом олсам йўл,
Қўлда чироқ тутиб ҳамиша отам
Кузатиб қоларди силкитганча қўл.
Унинг даласида қишлоқдан ўтиб,
Ортимга қайрилиб қараганим чоқ,
Менга мадад бўлиб, суянчиқ бўлиб,
Кўриниб турарди ҳамон у чироқ.*

Кейин ўқувчилар инверсияга учраган бўлақларни айтиб чиқадилар. Ҳар ким ўз шеърини тугатгач, сўзларни тартибга чақиради, уларни ўрни-ўрнига қўйиб, тартибга солиб, гап тузади.

Масалан: *Кўриниб турарди ҳамон у чироқ.*
Энди тартибга соламыз: *Ҳамон у чироқ кўриниб турарди.*

“Баҳру байт”. (Мусобақада талабалар икки гуруҳга бўлинади).

1-гуруҳдаги талаба:

*Агар ор этса, Лайли ҳақлидир Қайснинг Жунунидин
Не бахт, Раъно, харидоринг талаб аҳлининг “Мирзо” си.*

2-гуруҳ:

*Ишқ аро юз минг маломат ўқиға бўлдим нишон.
Бир камон абрўда тузлукдин нишоне топмадим.*

1-гуруҳ:

*Меҳр кўп кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим.
Жон баса қилдим фидо оромижоне топмадим.*

2-гуруҳ:

*Мени хор этти-ю, қилди муддаийга парварииш,
Даҳри дунпарварни ўзга муддаоси қолдимў?*

*Ул париваш чехрасини ойга этгандим қиёс,
Бир умр узр айтадурмен бу хато тимсол учун.*

*На аларда бор ғурур, илму адолатдин асар
Не ажабким топмаса, доғи дилига чора халқ.*

*Қаро зулфинг фироқида паришон рӯзигорим бор,
Юзингнинг иштиёқида не сабру не қарорим бор.*

*Раҳм қилгин битта ўзбек шунчалар ёлворадур,
Туш ўзинг, ё айт, ёнингга қайси йўлдин борадур.*

Мусобақа шу зайлда давом этади. Кимки байт тополмай қолса, мағлубдир. Ҳазалларда ҳам **инверсия** мавжуд. Мушоира, мусобақалар билан дарс сермазмун ва қизиқарли ўтади.

Изоҳ.

1. Инверсия — гапда одатдаги сўз тартибининг ўзгариши.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар.

1. Мустақил гаплар тузиб, гап бўлақларининг ўрнини алмаштиринг.
2. Ифодали шеър ўқинг.
3. Ўзингиз мустақил равишда шеър ёзиб кўринг. Инверсияга учраган бўлақларни изоҳланг.

1. *Ғ. Абдурахмонов. Э. Шодмонқулова. Ўзбек тилининг амалий грамматикаси.*

2. Ўз шеърим билан бошланди. Баҳру байтда эса Навоий, Бобур, А. Қодирий, Э. Воҳидов Ҳазалларидан фойдаланилди.

11-машғулот

**Мавзу: Сўз туркумлари.
Бу сўз бизники. Уз жуфти билан.**

Режа:

1. Сўз туркумлари ҳақида умумий маълумот.
2. “Бу сўз бизники” номли сўз ўйини.

3. Ўз жуфти билан.

4. Грамматик топишмоқлар.

Ўзбек тили ўз туркуми —

Сўз туркуми, сўз туркуми.

Улар билан гап тузилар,

Сўз туркуми — тил кўркими?!

Тилдаги барча сўзлар ўзига хос белги - хусусиятларига кўра маълум гуруҳларга ажратилади. Сўзларнинг бундай гуруҳлари сўз туркумлари дейилади.

Сўз туркумлари икки катта гуруҳга бўлинади: мустақил сўз туркумлари ва ёрдамчи сўз туркумлари.

Гапда мустақил маънога эга бўлган, бирор сўроққа жавоб бўла оладиган, гап бўлаги вазифасини ўтайдиган, синтактик вазифа бажара оладиган сўзлар мустақил сўз туркумлари деб аталади. Унга от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш киради.

Мустақил маъно билдирмай, гапда бошқа мустақил сўзлар билангина бирга қўлланиб, уларга қўшимча маъно берадиган, уларнинг ўзаро боғланишига хизмат қиладиган сўзлар ёрдамчи сўзлар дейилади. Уларга кўмакчи, боғловчи, юклама, ундов сўзлар, тақлидий сўзлар киради.

От нарса, шахс, воқеа-ходисаларнинг номини ифодалайди ва ким? нима? кимлар?, нималар?, қаер? сўроғига жавоб бўлади: одам (ким?), дарахт (нима?), бахт (нима?).

Отлар кўплик, эгалик ва келишик қўшимчалари билан ўзгаради: Лицейимизнинг талабалари: -имиз(эгалик), -нинг (келишик), -лар (кўплик), -и (эгалик).

Отни кимга қанақа? дейилишига сабаб, улар маъносига кўра атоқли ва турдош отларга бўлинади. Атаб қўйилган номлар атоқли: Асака, “Ўтган кунлар” романи. Нарса-ҳодисалар номлари турдош отлардир. Отлар яна аниқ ва мавҳум отларга бўлинади. Мавҳум тушунчани ифодаловчи отлар Мавҳум отлардир.

“Бу сўз бизники”.

Бу ўйинни ўтказишда ўқитувчи кўчма доска ёки кодоскоп орқали от сўз туркумига оид бир қанча сўзларни ўқувчиларга тавсия этади. Ўқувчилар шу сўзлардан мавҳум отларни алоҳида, аниқ отларни алоҳида устунга ажратиб ёзишда мусобақалашадилар. Бунда қуйидаги сўзлар берилиши мумкин: тахт, китоб, бахт, озодлик, тинчлик, туйғу, сумалак, шодлик, чашма, буғдой, тегирмон, муҳаббат, расм, гўзаллик, қадрият, садоқат, сув, мардлик, ер, баҳор. Қайси ўқувчи ёки ўқувчилар гуруҳи топшириқни тез ва тўғри бажарса, ўйиннинг ғолиби бўлади ва “энг топқир” деган номга эга бўлади.

Ёки атоқли ва турдош отлар бўйича, мавҳумликни ифодаловчи йўқолган қўшимчани топиш, гапларнинг давомини от қатнаштириб тузиш, отларни туб ва ясамаларга ажратиш каби топшириқларни бажариш ёки ўйинлардан фойдаланиш мумкин.

Барча мустақил сўз туркумлари содда, қўшма, жуфт бўлади.

Ҳар бир одам, ҳар бир жонзот, ҳар бир нарса ҳаётда ўз жуфти билан бўлганидек мустақил сўз туркумлари ҳам ўз жуфти билан “иноқ бўлиб яшашади”. Жуфт отлар: ака-ука, опа-сингил, ота-она, қариндош-уруғ. Жуфт сифатлар: яхши-ёмон, катта-кичик, паст-баланд, оқ-қизил. Жуфт равишлар: эрта-индин, кеча-кундуз, қишин-ёзин, нари-бери, унда-бунда. Жуфт феъллар: айтди-қўйди, ўтди-кетди, ўқиди-чиқди, борди-келди. Жуфт сонлар: бешта-ўнта, уч-тўрт, беш-ўн. Жуфт олмош: шу-шу, мен-сен, у-бу, ўша-ўша.

Дарсда грамматик топишмоқлар билан ўқувчиларга мурожаат қилинса, улар бунинг жавобини топиб, ўз дафтарларига ёзадилар. Бу топшириқни уддалаган, яъни тўғри жавобни топган болага балл қўйилади.

*Икки ака-ука бор,
Бир-бирига доим ёр.*

(жуфт сўзлар: ака-ука, яхши-ёмон).

Дарё билан қирғоқнинг ўртасида нима бор?

(“билан” ёрдамчи сўз).

*Гапларни тез боғлади,
Дилимизни чоғлади.
Ўзи кичик бўлса ҳам,
Катталарни боғлади.*

(“ва” боғловчиси).

*Шакли ўхшар ўроққа,
Доим тутар сўроққа.*

(? сўроқ белгиси).

Кетаверади, кетаверади сўнгида тўхтамайди.

(. нуқта).

*Доим турар тинпа-тик,
Ўзи жуда тетик.
Дилга ҳаяжон солар,
Гоҳи буйруқ ҳам берар.*

(! ундов белгиси).

Гоҳ иш бажаради, гоҳ бажармайди.

(ўтимли, ўтимсиз феъллар: ишлади, ишламади,
ўқиди, ўқимади).

*Бир оз тўхтагин деди
Сабрдан дарак берди.*

(, вергул).

*Бировнинг гапин олиб,
Занжирга қўйди солиб.*

(“ ” қўштирноқ).

*Ул не дурур, усиз гап тузиб бўлмас,
Фикрлар дарёсида ҳаттоки сузиб бўлмас.*

(сўз)

“Юзимни сон билан ифодаланг-чи?

(100).

*Ўзи доим бирга турар,
Бир - бирига қарши юрар.*

(Антонимлар: яхши — ёмон,
катта — кичик, гўзал — хунук).

*Мен недирман, туркумларнинг шоҳидурман,
“Грамматика” нинг ўзим суянган тоғидурман.*

(Феъл — сўз туркуми, чунки у энг катта,
мураккаб туркум).

*Ҳар кимнинг овозига
Ўхшатаман созига.
Ўзим катта санъатман,
Йўқ, рости бир талантман.*

(тақлидий сўзлар овозга, товушга тақлид қилади).

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар.

1. Ҳар бир сўз туркуми иштирокида гаплар тузинг ва грамматик таҳлил қилинг.

2. А. Қодирийнинг “Ўтган кунлар” асаридаги Кумушбининг монологини ёд ўқинг ва унда иштирок этган аниқ ва мавҳум отларга оид сўзларни она тили дафтарингизга ёзинг.

1. Ҳозирги ўзбек адабий тили.

2. Тил ва адабиёт таълими. Илмий-методик журнал.

3. Ўз фикрларим.

12-машғулот

Мавзу: Энг! Энг! Энг! Етти ўлчаб бир кес.

Режа:

1. Энг! Энг! Энг! Дунёда...

2. “Топқирлар беллашуви” тарзидаги ўйин дарси.

3. “Етти ўлчаб бир кес” мақолини изоҳланг.

*Дунёдаги энг сўзи
Янгиликдан хабар берар.
Қизиқ-қизиқ ҳангомадан,
Бизлар учун сўз терар.*

*Энг катта дарё қайси?
Энг улкан тоғ-чи, қоя.
Энг кичик нарса нима?
Нимадир энг зўр ғоя?*

*Етти ўлчаб бир кесинг
Санамай деманг саккиз.
Ўйлаб сўзланг ўнг-терсин
Ҳар бир гапни дўстим, сиз.*

Нарса-ҳодисаларнинг белгисини, яъни рангини-мазасини, таъминини билдириб, қандай? қанақа? каби сўроқларга жавоб бўлган сўз туркуми сифат дейилади: *ширин қанд, гўзал жой, кучли шамол. Энг катта бино* (қандай? Энг катта). Талабалар навбат билан чиқиб энг сўзи билан бошланувчи ғаройиботлар билан ёзув тахтасини тўлдирадилар. Булар ҳаммаси сифатга мисол бўлади. Қандай? сўроғига жавоб бўлади.

- Энг Чуқур океан — Тинч океани.
- Энг кўп овқат ейдиган жонивор — ниначи.
- Энг кўп тил билган тилшунос олим — Евгений Поливанов.
- Дунёда энг кичик кучук Мексикада бўлиб, унинг бўйи ўн беш сантиметр.
- Дунёда энг сайроқи қуш булбул. У икки минг оҳангда сайрар экан.
- Энг қадимги санъат — бу цирк санъатидир.
- Дунёда энг гўзал қўшиқ — алла.
- Энг кўп гапирадиган зотни биласизми? Олимларнинг айтишларича, аёллардан эркаклар кўп гапирар экан.

Нарсаларнинг сон-саногини билдирувчи сўз туркуми сон дейилади: 1, 2, 3.

Бит “Ҳозирги ўзбек адабиёт тили” курсидан сон ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлдик. “Қи зиқарли грамматика”да уларни мустақамлаш учун турли уйин машғулотларидан фойдаланамиз. Масалан: саноқ сонларни мустақамлашда шу сонларни ўз ичига олган халқ мақоллари ва ҳикматли сўзларни топиш бўйича “Топқирлар беллашуви” тарзидаги уйиндан фойдаланиш менимча, яхши самара беради. Болалар 2-гуруҳга бўлинади ва мақолларни навбати билан айта бошлайди, тўхтаб қолган гуруҳ ютқазади. Бунда талабалар “Бир болага етти маҳалла ота-она”, “Санамай саккиз дема”, “Бир йил тут эккан киши юз йил гавҳар теради”, “Бир деҳқон омон билан. еттовлон чўмич билан”, “Бир калла — калла, икки калла — тилла”, “Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака учади”, “Бир кўнгил иморати - минг макка зиёрати” каби халқ мақолларидан фойдаланиш мумкин. Яна шундай сон қатнашган халқ мақолларидан бири “Етти ўлчаб бир кес” мақолидир.

Қани, бу мақолни изоҳланг-чи.

Бу мақолнинг мазмуни қуйидаги мақолларга ҳам тенг келади: “Санамай саккиз дема”, “Аввал ўйла, кейин сўйла”, “Шошган қиз эрга ёлчимас”.

“Етти ўлчаб, бир кес” мақолига изоҳ берадиган бўлсак, айниқса, ҳозирга шиддатли давримизда кўпроқ қўл келади. Чунки бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳар бир ишни ўйлаб, ўлчаб, тарозига солиб, тортиб, зарар кўрмаслигига ақли етиб сўнг қилиш керак: Хуллас, доно, тадбиркор, ўйлаб иш қилувчи одам мушкул аҳволга тушиб қолса, вазиятдан чиқиб кета олади. Лекин доно одам ҳеч қачон мушкул вазиятга тушиб қолмайди. Чунки унинг шиори: “Етти ўлчаб, бир кес!”.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар.

1. Энг, энг, энг мисоллар ёзинг.
2. Энг қизиқ ҳангомалардан сўзлаб беринг.

13-машғулот

Мавзу: Ёқса, ёқмаса... Ўринбосарлар.

Режа:

1. Ёқса, ёқмаса шу-да, ҳар бир ишда ўринбосар бўлади.
2. Олмош — ўринбосар.
3. “Тез алмаштиринг !” ўйини.

*От, сифат, сонларнинг
Ўрнида алмаштириш^{МСН}
Ҳаётда ҳам ўринбосар
Ҳамда ўзим олмошман.*

Ҳаётда ҳам ҳар кимнинг ўз ўринбосари бўлади. Устознинг шогирди, ўқитувчининг ўқувчиси, отанинг ўғли, онанинг қизи ва ҳоказо. Гапларда ҳам, сўз туркумларида ҳам худди шу ҳол. От, сифат сон ўрнида қўлланиладиган сўзлар олмош дейилади. Олмошга у, бу, мен, сен, шу, ўз, ўша, ана у, мана бу, қанча, ҳар ким, баъзи, ҳамма, кимдир, биров каби сўзлар киради. От, сифат, сонлар бўлмай қолса, дарров уларнинг ўрнини билдирмай олмошвой гапга етиб келади. Шунинг учун ҳам ўринбосарда. Масалан:

Хайдар^{от} кинога борди. У^{сон} кинога борди.

Мухташам^{сифат} бинолар шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Бу^{олмош} бинолар шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшмоқда.

Рустамжон II^{сон} курсда ўқимоқда. Рустамжон шу^{олмош} курсда ўқимоқда.

Яхшилар^{от} тўпланди. Ҳамма^{олмош} тўпланди.

Бу Ёлгор-ку^{от}. Бу ўша-ку^{олмош}

Замон ўқиганники^{сифат} Замон шударники^{олмош}

Демак, олмошвой отнинг ҳам, сифатнинг, соннинг ҳам ўрнини ўз сўзлари билан бемалол боса олади ва уларнинг жойини эгаллашда ўзининг бор маҳорати-ю билимини ишга солади.

14-машғулот

Мавзу: Дастёрлар.

Режа:

1. Дастёрлар — бу ёрдамчи сўзлар.
2. Беш ака-ука дастёрлар.
3. Дастёрликдан толманглар.

Лексик маъно ифодаламай, мустақил сўзлар орасидаги грамматик муносабатни ифодалайдиган, баъзан сўзга қўшимча маъно берадиган сўзлар ёрдамчи сўзлар дейилади; улар гап бўлаги бўла олмайди.

Демак, дастёрлар — бу ёрдамчи сўзлар бўлиб, мустақил сўзларга дастёрлик қилади, яъни хизматларга шай туради. Масалан: **ва** дастёри икки мустақил сўзни ёки гапни боғлайди: Дафтар **ва** қалам. қорлар эриди **ва** сувлар оқа бошлади.

Дастёрлар беш ака-укадир. Танишинг, тўнғичи: Кўмакчивой, Ўртанчиси Боғловчибек, Учинчиси Юкламажон, Ундовиддин, кенжатоий — эркатоий Тақлидтой.

Кўмакчивой, Боғловчибек, Юкламажон, Ундовиддин, Тақлидтойлар доимо ўз оталари — Мустақилбой хизматида елиб-югуриб, хормай-толмай юришар экан.

Топишмоқлар:

1. Беш аҳил ака-ука: бири кўмак берар, бири боғлар, бири юклар, бири ундар, бири тақлид этар.

(Ж а в о б: ёрдамчи сўзлар.)

2. *Эҳ, дастёрлар, дастёрлар*
Мустақил сўзга ёрлар.
Камтар, камсуқум бўлиб,
Бир-бирига ҳамкорлар.

(ёрдамчи сўзлар).

Кўмакчивой — оилада катта фарзанд бўлганлиги учун отасига кўп ёрдам берар, ўзи вазмин йигит. У от ёки отлашган сўзнинг бошқа бир сўзга тобеланишини кўрсатиб турувчи дастёрдир.

Масалан: Укам учун олдим. Карим билан кинога бордик. Билан, учун, сайин, қадар, каби ва бошқа сўзлар кўмакчининг кўмак берувчи “иш қурол”ларидир.

Гапдаги уюшиқ бўлақларни, қўшма гап таркибидаги содда гапларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилувчи дастёр — **Боғловчибекдир**. У ўз авлодига ва, ҳам, ҳамда, аммо, лекин, бироқ, ёки, на...на, токи кабилар билан хизмат қилади. Масалан: қуйида сўз ва гапларни бир-бири билан қуйиб-пишиб боғлаяпти:

Меҳмон ва мезбон алламаҳалгача Лутфий ғазалларини завқ билан ўқишди. (Ойбек).

Озгина ғурур ва таккабурлик инсоний фазилатларга, дўстликка зиёндир.

*На тангри, на шайтон, на инсу жинс бор,
Буларнинг ҳаммаси уйдирма, ёлғон.*

(Уйғун).

Яна жимлик чўкди, лекин бу жимлик ўнғайсиз жимлик эмасди. (А.Қаҳҳор).

На фарёдинг, на додинг бор... (Чўлпон).

Юкламажон бироз қақажон бўлиб, сўз ёки гаплар мазмунига қўшимча маъно юклатади. Унинг “юк” лари қуйидагилардир: -ми?, -чи, -а, -ку, -да, -у, -ю, фақат, -оқ, -ёқ, ҳатто кабилар.

*“Гап хирмони” бунёдга келаркан:
Менда-ку, бор фақат бир парча юрак,
Бундайлар касрига дод дейди фалак.*

(Т.Содиқова)

Ким олади-я шугинани-я.

(Халқ қўшиғи).

*Дардимга тегмангиз, эслатсин ҳатто
Умрнинг бир тутам жонлигини.*

Ундовиддин ҳис-ҳаяжон, ҳайдаш-чақириш каби маъноларни ифодалаб, кўпинча ундов гап сифатида қўлланади, баъзан эса сўз ва гапларга қўшимча маъно беради; Ундовиддинга **оҳ, воҳ, бай-бай, эҳ, оҳ, уҳ, хо, хе, э, эй, уф, туф, кишт-кишт, кўрай, салом, хайр, офарин** каби сўзлар киради. Улар ҳис-ҳаяжон билан хизмат қилганлиги учун гапнинг охирида ундов белгиси қўйилади:

Бай- бай-бай ! Мунча ҳам ширин ухляпти !

(А. Қаҳҳор)

*Суягимни ўйдим, ўлмадим яна,
Оҳ, болам. деб куйдим! Ўлмадим яна.*

(Т. Содиқова)

*Эҳ, билмайсиз, бу — аёлга тимсоли йўқ бир байрам!
Уф! Ниҳоятда чарчадим-а!
Офарин, офарин. санъатингизга қойилман!*

Дастёрларнинг яна бири — кенжатой ва эркатой **Тақлид-той** шарпа-товушга ва ҳолатга тақлидни билдирадиган сўзлар билан хизмат қилади. М: гарч-ғурч, дук-дук, так-так, милт-милт, шик- шик, гулдир-гулдир, қий-чув, шилдир-шилдир, апил-тапил, лов-лов, инга-инга, гуп-гуп, пик-пик, ха-ха-ха, тарақ-тарақ.

*Бунча ширин бўлмасди бу нон,
Тандир лов-лов кўрин бермаса*

(Х. Салоҳ)

“Отанинг гаплари юрагига жиз-жиз тегади-ю, пик-пик кулаётган Кўчқорга қараб ўшқирди. Узоқдан кўзга милт-милт нур кўриниб турарди”.

Шу беш ака-укалар, гап тузувчи дастёрлар доимо дастёр бўлиб юраверсинлар!

*Ҳой-ҳойгина хорманглар
Дастёрликдан толманглар,
Доимо омон бўлиб,
Хизматлардан қолманглар.*

Баъзи қоидалар она тили дарсликларидан олинди ва ўз фикрларим.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар.

1. Ёрдамчи сўзларнинг гапдаги аҳамияти нималардан иборат?
2. Оилангизда дастёр ким? Сиз кўпроқ қандай уй юмушлари билан машғул бўласиз?

Ёқса, ёқмаса шу!

“Тез алмаштиринг” ўйинида гуруҳ иккига бўлинади, иккитадан талаба чиқади. Бири мустақил гап ёзади, иккинчиси, яъни иккинчи гуруҳ аъзоси гапдаги от, сифат, соннинг ўрнига олмош қўяди, кейинги чиққан ўқувчилар аксинча, бири олмош қўйса, иккинчиси уларни от, сифатлар билан алмаштиради.

Ўйин шу тарзда давом эттирилади, Сўз туркумлари ўрнига олмошни алмаштиролмай қолган гуруҳ ютқазади.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар.

1. Олмошнинг ҳар бир турига мисоллар келтиринг.
2. “Устоздан шогирд ўзибди” мақолини шарҳлаб беринг.
3. Эркин мавзуда уй иншосини ёзинг.

Мавзу: Аниқлаш - касб-коримиз.

Режа:

1. Аниқловчи ҳақида умумий маълумот.
2. Ойнаи жаҳонда: рекламалар, эълонлар.
3. Ҳаётда ҳақиқатни аниқлаш — касб-корингиз бўлсин!

*Аниқлаш - касб- корим,
Ҳам ғурур, ифтихорим.
Терговчига ёрдамчидан,
Аниқлашдир шиорим.
Ҳар нарсанинг қандайлигин,
Айтиб берай шубҳасиз.
Аччиқми, қандақлигин
Оқми, қора ё ғуборсиз.*

Нарса, буюмнинг белгисини ёки нарсанинг бошқасига қарашли эканлигини билдириб, қандай?, қанақа?, қайси?, қанча?, кимнинг?, қаернинг?, ниманинг? сўроқларидан бирига жавоб бўладиган бўлак — **аниқловчидир.**

*Оқ чаккасин силаб, жилмайиб.
Ҳорғингина қаршилар онам.*

Аниқловчи ҳам иккинчи даражали бўлак бўлиб, маъно жиҳатдан иккига бўлинади: **сифатловчи аниқловчи** ва **қаратқич аниқловчи**

Сифатловчи аниқловчи нарса — буюмнинг белги-хусусиятини, миқдор — даражасини билдиради.

Сифатловчи содда сўз ва сўз бирикмаси билан ифодаланади: Баланд осмонда нозик оқ киррали булутлар пайдо бўлди.

Қаратқич аниқловчи бирор нарса ё шахснинг ўзи ифодалаган шахс ёки нарсага қарашли эканлигини кўрсатади: Бугун мажлислар залида тантанали кеча бўлади.

Аниқловчилар от, сифат, сон, олмош, сифатдош, равиш ва тақлид сўз билан ифодаланади.

“Телеўйин” дарси: Олиб борувчи ойнаи жаҳонда (ўзлари қўл билан ясаган) кўринади ва эълонлар ўқийди. Талабалар уларни ўз дафтарларига ёзиб, аниқловчини аниқлайдилар;

Масалан: Ҳурматли томошабинлар! Эълонлар билан танишинг! 20, 21 апрел кунлари Тошкентдаги катта санъат саройида Фахриддин Умаровнинг янги концерт дастури намойиш этилади. Кунингиз мазмунли ўтсин десангиз, концертга шошинг!

Сизларни яна бир эълон билан таништириб ўтаман:

Наманган шаҳрида яшовчи Нуриддин Курбонов шу ойнинг 17 - кунини уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган. Нуриддиннинг эғнида оқ кўйлак, қора шим, оёғида жигарранг туфли бўлган. Унинг белгилари: оқ-сарикдан келган, қора соч, қора қош, қошнинг юқорисида чандиғи бор, салгина бошни эгиб юради.

Ҳозирги шоколад, конфетларни асло харид қилманг. Усти ялтироқ, ичи қалтироқ.

Сочингизнинг ялтироқ, жилоли ва узун бўлишини, яъни ўсишини хоҳлайсизми? Ҳеч қандай шампундан фойдаланманг! Арзон-арзон сифатли қатиқ билан ювсангиз бас. Қатиқ! Оласигир маҳсулоти!

(Шу тариқа қизиқарли, антирекламалардан мисоллар келтириш мумкин). Талабалар ёзиб олган гапларидаги аниқловчиларни аниқлаб беради.

Яна бир ўйин дарси “Аниқланг, баҳо беринг!” деб аталади. Бир қиз ўртага чиқади. Бошқа бола унга қараб баҳо беради ва аниқловчини аниқлайди: Масалан:

Бу Нигора. Унинг қоши қора, кўзи шахло, бугдой ранг. Юзида қора холи бор, ўзи жуда чиройли қиз. У яхши, зийрак, зукко, пазанда, меҳнаткаш қиз.

Кейин бир ўғил бола ўртага чиқади, унга иккинчи бир дўсти баҳо беради:

Бу Шокир. Белгилари: баланд бўйли, кенг елкали, сарик соч, туташ қош, қулоғи диккайган, оғзи катта. Хислатлари:

яхши бола, кунгилчан, уятчан, ор - номусли, теран фикрли, эпчил, чапдаст йигит десам хато бўлмайди.

1 - ўқувчи 12, иккинчиси эса 13 та аниқловчи топа олган. Демак, кейинги ўқувчи голиб.

Ўйин қуйидагича давом этиши ҳам мумкин.

Ўқитувчи болаларга мурожаат қилади:

- Директоримиз ким?
- Назиржон Мамадалиев.
- Мутахассислиги?
- Физика-математика фани ўқитувчиси.
- Унвони қандай?
- Доцент, физика-математика фанлари номзоди.
- Миллати.
- Ўзбек.
- Аниқловчининг қайси турларини қатнаштирдигиз?
- Сифаловчи аниқловчи.
- Сўнгги аниқловчингиз қайси сўз туркуми билан ифодаланапти, сўроғи?
 - От билан Қандай? сўроғига жавоб бўляпти.
 - Ботиров, сизга савол! Маҳмуд ким?
 - Талаба йигит.
 - Қандай ўқийди?
 - Аълочи бола.
 - Хислатлари?
 - Тўғри сўз, ботир йигит.
 - Тузган гапларингизда аниқловчини қандай аниқ-лаяпсиз? Ҳол ҳам қандай? сўроғига жавоб бўлади-ку.
 - Ҳол феълга, аниқловчи отга боғланади.
 - Тўғри.

Ўйин давом этиши мумкин. Кўп иштирок этган болалар рағбатлантирилади.

Аниқлаш, аниқлик киритиш, ҳақиқатни топиш бу келажақда юрист, терговчи, суд, адвокат, ҳуқуқшунос каби касб эгаларининг асосий виждоний бурчларидир. Бу ўйиндан уларнинг сўз бойлигини ошириш, ёзма ва оғзаки нутқини ўстириш билан бирга келажақда касбига бўлган меҳрини оширади, болани зийрак, зукко, топқирликка ургатади.

Аниқлаш, тўғри аниқлаш — уларнинг касб-корига айланади.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар.

1. Қизиқарли рекламалар намоиш этинг.
2. Тасаввур қилинг: юрист бўлдингиз, жиноятчининг айбини қандай аниқлайсиз?
3. Гаплар тузиб, синтактик таҳлил қилинг, аниқловчиларини изоҳланг.

1. *Ф. Абдураҳмонов*. Ўзбек тили. 103-бет.
2. Ўз фикрларим.

16-машғулот

Мавзу: Гап эгасини топади.

Режа:

1. Гап, гап бўлаклари.
2. Бош бўлақлар ва эга.
3. Гап эгасиз бўлурми?!

Инсон гапсиз бир-бирини тушуниши мумкин эмас.

Фикр баён қилиш учун грамматик шаклланган (интонацион) оҳанг ва мазмун жиҳатидан нисбий тугалликка эга бўлган якка бир, сўз ёки сўзлар боғланмаси **гап** дейилади: *Алишер Навоий 9 февралда туғилган. Баҳор!* Гапда иштирок этган мустақил сўзлар “гап бўлаги” дейилади. Улар икки турли бўлади: бош бўлақлар ва иккинчи даражали бўлақлар. Гапнинг асосини ташкил қилган бўлақлар бош бўлақлар дейилади. Бош бўлақларга эга ва кесим киради.

Эга гапта мутлоқ ҳоким вазиятда бўлиб, фикрни кимга, нимага тегишли эканлигини кўрсатади ва ким? кимлар? нима? нималар? қаер? сўроқларидан бирига жавоб бўлади. [Эганинг тагига тўғри чизиқ (_____) чизилади].

Масалан: Мен китоб ўқийман.

Бор мактанса, топилар.

Йўқ мактанса, чопилар.

Хуллас, гапнинг ҳокими эга бўлиб, усиз фикрни баён этиш мумкин эмас экан.

*Гап эгасиз бўлурми,
Усиз кўнгил тулурми.
У бўлмаса дунёда
Ҳа, бўлмаса шу онда.
Ким? Нима? Қаер? Деявериб
Қулоқлар том битарму.
Лек гапта у ҳоким-ку
Асло гердайиб кетмас,
“Гапнинг эгасиман” деб,
Уни эгаллаб олмас
Эга дейди: Бир ўзим
Гап бўла олармидим,
Кесим бўлмаса агар,
Бир ўзим қолармидим.
Тўлдирувчи, ҳол, аниқловчи
Доим мени тўлдиради.
Бош бўлак бўлсам ҳамки,
Улар ишим дўндиради,
Шунинг учун ҳам биргаликда,
Бизлар гаплар бўламиз
Лек биздан фойдаланиб
Ҳеч ғийбатлар қилманг, сиз
Яхши гапта қулоқ солинг,
Ёмон гапни илманг, сиз.
Тили ёмонларни деб
Гапнинг номи ёмондир,*

*Ҳасадгўй, ғийбатчининг
Доим ранги сомондир.
Уларни деб биз тузган
Гапнинг шаънига доғдир
Бундай гап туқигандан,
Туқимаган афзалдир.
Мана сўзим исботи-
Ушбу шеърни ўқингиз.
Ундан-да, сабоқ олиб
Яхши гаплар туқингиз.*

“Гап”

*Ортда юрганымдан сенга не зарар,
Ё ниёда қолсам сенга қандай наф?
Соядай эргашиб, шом ила саҳар,
Нечун ўз ҳолимга қўймайсан, “Гап?”*

*Таъзим бажо этсам хушомадгўй деб,
Салом бермай ўтсам гердайган атаб,
Ҳар бир қадамимни этурсан таъқиб,
Нечук ўз ҳолимга қўймайсан, “Гап?”*

*Хандон давра кўрсам дўстларим билан,
Пулдор, бойвачча, деб юрасан айблаб.
Ёлғиз қолсам зиқна, хасис деб бирдан.
Яна ўз ҳолимга ҳеч қўймайсан, “Гап?”*

*Менинг-ку, қўлимдан келмас ёмонлик,
Яхшилик қилсам ҳам турмайсан қараб,
Қачон топарканман сендан омонлик,
Нечун ўз ҳолимга қўймайсан, “Гап?”*

*Тирик экан сендан қутулмас одам,
Гўрга ҳам борасан, вижирлаб, қайнаб.
Мен ўлмаيمان, сени қолдириб доғда,
Чунки қабримда ҳам тинч қўймайсан, “Гап?”*

Хуллас, гап эгасини, ҳа, ўз соҳибини топади. Шунинг учун ҳар бир гапни ўйлаб гапириш керак.

Қани, қуйидаги гапнинг эгасини топинг-чи.

..... келди сени сўроқлаб
Тутай деди қўлларингга гул.
(Зулфия)

..... сизни ҳурмат қиламан.
Рубобим тори иккидир;
бири маҳзун, бири дилхун.
Гўзалликни қидирганим йўқ.
Арши асло жаннатидан.....

..... Андижонлик шоир ва, у билан фахрланамиз.
Мана бугун якуний назоратдан тест синовини
топширмақдалар.

Кулинг дўстлар, у кулгудан жарангласин!

Баъзан шундай гаплар бўладики, сиз эгасини
топмасангиз ҳам гап ўз эгасини топиб олади.

Масалан: Саид Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони”
комедиясида Фармонбибининг ўғиллари саҳнада роль
ўйнаб, гапиришаётган пайтда Фармонбиби даст ўрнидан
туриб, бу мен, мени кўрсатишяпти деса, келинлари, йўқ,
ойижон сиз эмас, десалар, йўқ мен, мени айтишяпти
дейди.

Ёки орангизда эгани кўшмасдан ҳам “инжиқ, эрка,
урушқоқ” деб баҳо берсангиз, дарҳол масалан, Баҳром
деган йигит “нимага мени гапиряпсан?” дейди. Демак,
гап ўз эгасини топди.

Баҳром – инжиқ, эрка, урушқоқ.

Топшириқ: шундай гаплар ёки мақолларни топиб
келингки, гапга тааллуқли бўлсин ва эгасини аниқланг.

Масалан: Яхши гапга илон инидан чиқар.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар.

1. Гап бўлаклари ҳақида гапиринг.
2. Мустақил гап тузиб, таҳлил қилинг.
3. Бирор асарни саҳналаштиринг. Қаҳрамонларнинг тил
услуби ва гапларига эътибор беринг.

1. Ўзбек тили. 1982 йил.
2. “Ўзбек тили дарслиги” 9-10 синф. 1994 йил.
3. Ўз фикрларим.

17-машғулот

Мавзу: Ҳолнинг ўз ҳолати бор.

Режа:

1. Эртақчининг эртаги.
2. Эртақчининг саволлари.
3. Бурчга садоқат- юксак зийнати.

Талабалар, ўқувчилар, ёшлар эртақни жуда севишади. Қуйида талабаларга қизиқарли бўлган эртақ асосидаги дарсни ҳавола этмоқчиман. Талабаларнинг ичидан эртақчи момо ёки эртақчи бобо чиқиб, эртақ бошлайди:

Бор экану, йўқ экан, оч экану, тўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қирғовул қизил экан, қуйруғи узун экан, кўк музга минган экан, мурути синган экан, ғоз карнайчи, ўрдак сурнайчи, ола қарға азончи, чумчуқ чақимчи экан, тўрғай туқувчи экан.

Қадимда, ё янглишдим, яқин замонларда *ўзбек тили* мамлакатаида *Гап бўлақларининг* набираларидан бири **Ҳол** яшаган экан. Ҳолнинг ўз ҳолати, чиройли қомати бор экан, зўр маҳорати, учар қаноти, чиройли оти, ўзининг зоти бор экан. Ҳа дўстларим, мен сизларга “ҳолнинг ҳолати” ҳақидаги эртагимни айтмоқдаман.

Ҳолнинг ўз ҳолати, вазифаси, бурчлари бор экан .

У ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини билдириб, феъл кесимга бошқарув ва битишув йўли билан боғланар экан.

Масалан, қуйидаги гапда ҳам ҳол қатнашяпти:

Тулки қўрқиб кетиб, қоча бошлади.

“Қўрқиб кетиб” ҳоли қай ҳолатда? сўроғига жавоб бўлади.

Ҳолнинг олтига фарзанди бор экан. Улар ҳам ота изидан бориб, билимли, меҳнаткаш экан. Улар ҳам гапдаги ҳолатни аниқлашар экан. Ҳар бирининг ўзига хос вазифаси бор экан. Улар аҳиллик билан ўз ишларини бажарар экан.

Энг тўнғичи Равиш Ҳолиев экан. Қани, болалар, Равиш Ҳолиев ҳақида ким нима биледи?

Бир ўқувчи жавоб беради: Мен эшитганман, эртакчи бобо! Ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини англатиб, қандай? қандай қилиб? сўроқларига жавоб бўлади. Уни тарз ҳоли деб ҳам аталади.

Масалан:

Гулнора ўйланиб туриб жавоб берди. “Ўйланиб туриб” қандай қилиб? сўроғига жавоб бўлиб, кесимга боғланыпти.

Эртакчи: Баракалла. Иккинчи фарзанди Ўрин Ҳолиев, Ўринбой ҳақида гапирингларчи ?

Бир ўқувчи чиқади:

Ўрин Ҳолиев ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдириб, қаерда?, қаерга?, қаергача? сўроғларидан бирига жавоб бўлади.

Масалан: *Мен онамнинг қаршисига келдим.*

“Қаршисига” сўзи ҳол бўлиб, қаерга? сўроғига жавоб бўлади.

Эртакчи: Учинчи ўғли Сабаб Ҳолиев. Сабабнинг қондасини ҳам биласизларми?

Ҳа, Сабаб Ҳолиев ҳаракатнинг бажарилиш сабабини билдириб, нима учун? нимага? нима сабабдан? сўроқларига жавоб бўлади. Масалан: *Шодон кулиб юрсин учун, қувноқлигим қалбига солдим.*

Бу ерда ҳол нима учун? сўроғига жавоб бўляпти.

Эртакчи: Кейингиси Пайт полвон Ҳолиев.

Мен жавоб берай: У ҳаракатнинг бажарилиш пайтини англатади, қачон? қанақа? сўроқларига жавоб бўлади. *Бир куни Жомий билан Навоий узоқ суҳбатлашишди. “Бир куни” пайт ҳоли қачон? сўроғига жавоб бўляпти.*

Эртакчи: Мақсад ҳол ўғли ҳақида сўзланг-чи.

Ҳаракатнинг бажарилишидан кўзда тутилган мақсадни билдириб, нимага? нима учун? сўроғларига жавоб

бўладиган бўлак мақсад ҳоли дейилади. *Фарҳод ўша Маликани тузукроқ кўриш мақсадида ойнага яқинлашди.*

Эртакчи: Кенжа ботир Миқдор даража ҳоли, унинг ўз ҳолати бор. Шуним ким айтади?

Миқдор даража ҳоли ҳаракатнинг бажарилиш миқдорини ва даражасини кўрсатиб, қанча? қанчалик? неча марта? сўроқларидан бирига жавоб бўлади.

Математикани севиб, кўп ўқирди.

Эртакчи: Мана, ҳар бир ҳолнинг ҳолатларини билдингиз, шулар бўлмаса, гаплар ўлда-жўлда бўларди. Биз фикримизни тўлиқлик билан бир-биримизга тушунтира олмасдик.

Хуллас, ҳол ва унинг фарзандлари ҳаракатининг қай тарзда? қачон? қандай? нима учун? қанчалиги? нима мақсадда? бажарилишини билдириб, доимо эл хизматида тинмас эканлар.

Одамларнинг фикрини баён этишда ўз бурчларини сидқидилдан бажариб, мурод-мақсадларига етишибди ва ҳамон ўз ишларини давом эттириб, келаётибдилар.

Демак, эртақдан ибрат олиб, шундай хулосага келсак: Кимки, ҳолнинг оиласидек, иноқ ака-укалари каби ўз ишларини, вазифа-ю, бурчларини сидқидилдан ҳис қилиб, эл-юрти учун адо этсалар, доимо муроди ҳосил бўлмай. Зеро, бурчга садоқат - энг юксак фазилат.

18-машғулот

Мавзу: Гапни тўлдириш - ишни дўндириш.

Режа:

1. Гап. Гап бўлаклари ҳақида маълумот.
2. Тўлдирувчи ва унинг турлари.
3. “Гапларни тўлдираман”.

Фикр гап орқали баён қилинади. Гап орқали фикр баён қилиш билан бирга воқеликка муносабат ҳам билдирилади.

Фикр баён қилиш учун грамматик ва оҳанг жиҳатдан шаклланган ва мазмун жиҳатдан нисбий тугалликка эга бўлган якка бир сўз ёки сўзлар боғланмаси гап дейилади.

Масалан:

1. *Баҳор!*

2. *Наврӯз келди ўз гулу чечаклари билан ўлкамга.*

3. *Мен Академик лицей талабасиман.*

Гапда иштирок этган мустақил сўзлар гап бўлаги саналади. Гап бўлаклари икки турли бўлади:

1. Бош бўлаklar.

2. Иккинчи даражали бўлаklar.

Бош бўлаklarга эга, кесим кирса, иккинчи даражали бўлаklarга тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол киради.

Биз тўлдирувчи ҳақида фикр юритамиз.

Гапнинг бирор бўлагига бошқарув йўли билан бирикиб, уни тўлдириб келадиган бўлак **тўлдирувчи** дейилади.

Тўлдирувчи, одатда, от, олмош, ҳаракат номи, шунингдек, сон, сифат, сифатдош билан ҳам ифодаланади:

Хуллас, ҳар ким ўз ҳунари билан қурилишга қатнашибди.

(М. Муродов).

Тўлдирувчи 2 хил бўлади: воситасиз ва воситали тўлдирувчи.

Воситасиз тўлдирувчи тушум келишигидаги сўз билан ифодаланиб, ҳаракатни бевосита ўзига қабул қилган нарсани ифода қилади ва кимни?, нимани?, қаерни? сўроқларига жавоб бўлади.

Киши ўз онасини яхши кўради.

Воситали тўлдирувчи жўналиш, чиқиш, ўрин келишигида келган ёки кўмакчи олган сўзлар воситасида бош сўз билан боғланади, кимдан?, ким учун?, нимадан? сўроқларидан бирига жавоб бўлади.

Уяйдоқ отга миниб, бармоқлари билан от ёлини тортиб қўйди.

Тўлдирувчи яна қуйидагича бўлади:

От тўлдирувчи: *Бектемирга ёқди.* (Ойбек).

Олмош тўлдирувчи: *Мен сизни ўз қизимдан аъло кўрардим.* (Ойбек).

Сифат тўлдирувчи: *Яхшидан от, ёмондан дод қолар.* (Мақол).

Сон тўлдирувчи: *Бешни иккига касрсиз бўлиб бўлмайди.*

Равиш тўлдирувчи: *Кўндан қуён қочиб қутулмас.*

“Гапларни тўлдираман” номли мушоира ўтказамиз.
Мушоирани “Тўлдирувчи” олиб боради ва ўзи ҳакамлик қилади. **МАРҲАМАТ!**

Тўлдирувчи:

*Мана мен тўлдирувчиман
Гап бўлаги - авлодим.
Сўзларни йўндирувчиман
Иккинчи даража зотим.
Даражаси икки экан деб,
Ерга урманг кўпам, дўстларим,
Мен бўлмасам гаплар бўлмайди
Қовушмайди гапда сўзлари.
Гапларни тўлдираман
Ишларни дўндираман
Ёмонликни сўндираман
Яхшиликка кўндираман.
Қани менга гап тузинг
Сўз дарёсида сузинг,
Энг кўп гап тўқиганга
Ёки шеър тўқиганга
Этакларин тўлдириб,
Совға берай дўндириб.
Иккига бўлинволинг
Қани бир-бир сўз олинг.
Иккитангиз ёзма теринг,
Сизлар оғзаки беринг!*

Ўқувчилар 2 гуруҳга бўлинадилар. Иккала гуруҳдан икки ўқувчи ёзув тахтага қатор гаплар тузиб, таҳлил қилиб, тўлдирувчини белгилайди. Ўйинни “Тўлдирувчи” ўзи бошқаради, иккала гуруҳ аъзолари навбатма-навбат тўлдирувчига мисоллар айта бошлайди. (Хоҳ шеърый, хоҳ насрий).

1-гуруҳ аъзоси:

*Дум-думалоқ бўйи бор
Паловда обрўйи бор.
(Тўлдирувчи - паловда сўзи).*

2-гуруҳ аъзоси тезлик билан давом этади:

Сўзлардан маржон тузай

Гаплардан фикр узай.

(Сўзлардан, гаплардан сўзи — тўлдирувчи.)

1-гуруҳ

Ки булбул нола айламакни мендин ўрганди,

Вужудин шайъ сўзан айламакни мендин ўрганди.

2-гуруҳ

Ғам ема кўнгул, раҳм этибон ёр келурмиш,

Аҳволи дилим билгучи дилдор келурмиш.

1-гуруҳ

Менга мадад бўлиб, суюнчиқ бўлиб,

Кўриниб турарди ҳамон у чироқ.

2-гуруҳ

Кўлда чироқ тутиб ҳамиша отам,

Кузатиб қоларди силкитганча қўл.

1-гуруҳ

Менга “Ўтган кунлар” китоби ёқади ва унга меҳрим баланд.

2-гуруҳ

Тоғларга, боғларга боргим келади.

1-гуруҳ

Сен шуъласену, ул шуълага мен қулдирмен.

2-гуруҳ

*Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу, меҳрибон бўлмас эмиш.*

1-гуруҳ

Шеърхонликка марҳамат,

Сўзга у берар зийнат.

2-гуруҳ

Замин бизга дўст ва она,

Сақланг уни бебаҳона.

Ўйин шу тариқа давом этади, ким тўхтаб қолса, ютқазган ҳисобланади. Доскадаги гаплар ҳам мазмун ва сони жиҳатдан аниқланади. Энг кўп тўлдирувчи иштирокида гаплар тузган талабаларга “Тўлдирувчи” этакларини тўлдириб мукофотини топширади. Ғолиблар китоб ёки дафтар, ручка, олма, қанд каби совғаларни олиши мумкин.

Мушоиранинг қизиқарли ўтиши талабаларнинг моҳирлигига боғлиқ.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар.

1. Ҳол иштирокида гаплар тузиб, таҳлил қилинг.
2. Ребуслар тузинг.

3. “Ҳолингга қараб, оёқ узат!” мақолини изоҳланг.
4. Тўлдирувчи иштирок этган шеъррий сатрлардан ифодали ёд уқинг.

1. *Ғ. Абдурахмонов, Э.Шодмонқулова. Ўзбек тилининг амалий грамматикаси.*

2. *Ўзбек тили грамматикаси. II том. 1976 й. 139-140-бетлар.*

19-машғулот

Мавзу: Билмасвой ва тиниш белгилари.

Режа:

1. **Бир оғиз сўз.**
2. **Пунктуация.**
3. **Тиниш белгиларининг баҳси.**

*Навбатим келяпти, айтайин сўзим:
Агар менга қолса дуолар тилаш
Аввал забонлардан сўрардим тўзим,
Сўнгра тилар эдим ҳамроҳи дилкаш.
Сабаб, бир сўз билан бору йўғим пуч,
Соғлом чеҳралар ҳам осмон бўлгуси
Бир оғиз сўз берар илигимга куч,
Бари нохушлигим тамом бўлгуси.
Бир ширин сўз сақлар бағримни омон,
Яшагум шу сўзга шайдо бўлиб мен.
Ҳайҳот, тил балоси ёмондир, ёмон,
Бир оғиз сўзни деб адо бўлурмен!*

Бир оғиз сўз! Бунда катта маъно бор. Яхши сўзга диллар обод бўлади, ёмон бир сўзга диллар вайрон бўлади. Ана шу яхши, ёмон сўзни оҳанг билан тингловчига етказиб таъсир кўрсатишда тиниш белгилари муҳим роль ўйнайди.

Тиниш белгилари ўзбек тилининг пунктуация бўлимида ўрганилади.

Улар ҳақида қоида келтириб ўтирмай-да, назм ила таъриф эта қолай.

Сўроқ гап охирида сўроқ белгиси қўйилади: (?)

*Ўқитувчи дарсга кириб
Сўрадилар бизлардан.
Тахтага чиқ, бўрни ол!
Сўроқ гапга туз мисол.*

*-Домлажоним, майлими
Эшикка чиқиб келсам?
-Жуда тўғри мисолинг
Айтдинг-ку ўтир, Санам.*

Ундов белгиси (!)

*Ундовман мен, ҳой бола
Завқу ҳаяжонга сирдош.
Ошса ҳам туйғуларим,
Ҳар гап беради бардош.*

Нуқта (.)

*Мен нуқтаман, мен нуқта
Ўйлаб ёзгин, бўл пухта.
Аниқ, равон ўқишда
Мен бор жойда бўл, тўхта.*

Кўштирноқ (“ ”)

*Кўпроқ кўчирма гапда
Қўлланаман, ҳой ўртоқ.
Очдингми, ёпишни ҳам
Унутма, мен — қўштирноқ.*

Вергул (,)

*Гапда бир оз сабр қил, тўхта
Мен бўлмасам, гап ўлда - жўлда.
Ҳаттоки гап маънисин,
Ўзгартираман маъзин.*

Икки нуқта (:)

*Муаллифнинг гапидан сўнг
Қўйламан, билсангиз.
Ўзгаларнинг гапини ҳам
Тингланг, мени қўйсангиз.*

Бир куни улар, яъни тиниш белгилари “Мен гапларда, сўзларда энг кераклигиман, мен бўлмасам, гаплар маъносиз бўлади”, деб баҳслашиб қолишибди. Шунда “тил” тилга кириб дебди: “Баҳслашиб, тортишмангиз, чунки гапда ҳар бирингизнинг аҳамиятингиз катта, сизлар ҳам менинг бойлигимсиз. Масалан: қуйидаги гапга аҳамият беринг.

Олим, бўл!

Олим бўл! тиниш белгиларига қараб гапнинг оҳанги ҳам, мазмуни ҳам ўзгаради.

Машинага икки, болали хотин чиқди.

Машинага икки болали, хотин чиқди.

Қаранг, вергул билан гапларнинг мазмуни бутунлай ўзгариб кетди.

Китоб ўқийман. Нуқта қўйилса, дарак гап, сўроқ белгиси қўйилса, сўроқ гап бўлади. Сўроқ белгиси ҳақида топишмоқ ҳам бор:

*Шакли ўхшар ўроққа
Доим тутар сўроққа.*

Одамнинг ҳис-ҳаяжон билан айтган гапи ундов белгиси билан ёзувда билинади: *Оҳ, Шоҳимардон, қандай гўзал!* Агар нуқта бўлмаса, фикр тугамайди, кўп нуқта эса гапнинг давоми борлигини билдиради: *Баҳор чоғи эди... Қўштирноқ кўчирма гапларда ишлатилиб, ўзгаларнинг гапи эканлигидан далолат беради: Муаллим деди: “Эртага олимлар билан учрашув бўлади”.*

Деди: “Қайдинсен эй мажнунни гумроҳ?”

Деди: “Мажнун ватандин қайда огоҳ? Қавс ҳам изоҳловчиларда қўлланади. Масалан:

Мен лицейда (Асака шахридаги) ўқийман.

Чизиқча (-) кўпроқ маъноси бир-бирига яқин ёки зид бўлган жуфт сўзларда ишлатилади. Масалан: она-бола, яхши-ёмон, гул-лола, боғ-бўстон, паст-баланд, ака-ука.”

Хуллас, барча тиниш белгилари сўз ва гаплардаги ўрнини, ўз аҳамиятларини тилнинг, яъни она тилининг тушунтиришларидан сўнг, билиб олдилар ва мақтан-масликка, бемаъни тортишмасликка сўз бердилар. Чунки уларнинг ҳар бирининг тилдаги аҳамияти беқиёс-да.

*Сен тилни шарафла, эл учун номус бил,
Тарихни тавоф айла, буюк қомус бил.
Бу кўҳна китобни сен китоб билма фақат,
Йўлларни ёритувчи гўзал, фонус бил...*
(Жамол Камол).

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар.

1. Ифодали шеър ўқинг. Бадиий асарлардан тиниш белгиларига риоя қилиб, парчалар ўқинг.
2. “Сен тилни шарафла!” мавзусида иншо ёзинг.

20-машғулот

Мавзу: “Илм бахт келтирар, билим тахт келтирар” мавзусида иншо

Режа:

1. Одамнинг хуршиди — илм.
2. Буюк алломалар ижодида илмнинг тараннум этилиши.
3. Илмли киши яхши насиба олгусидир.

*Бешикдан то қабргача илм изла.
(Ҳадисдан)*

Дунё, дунё бўлиб яралгандан буён, инсоният вужудга келгандан буён инсонлар бирор нарсани билишга, ўрганишга интилганлар. Демак, билим олиш қадимдан бошланган. Одамни яхшилик ва эзгуликка чорловчи ёмонлик ва тубанликдан қайтарувчи ҳам илмдир. Илм,

билим инсонга ҳамиша дилини ёритувчи бир машғал, кўёш, хуршид бўлиб келган. Хоҳ дунёвий, хоҳ диний илмларни ўрганар эканмиз, руҳимиз енгиллашаверади, бу ўткинчи дунёда кимгадир нафимиз тегади, биздан яхши из қолади.

Урф-одатларимизга кўра, ота-онанинг фарзанди олдида куйидаги фарзлари мавжуд:

1. Фарзандига яхши ном қўйиш.
2. Яхши тарбия бериш.
3. Яхши муаллимга топшириб, саводини чиқариш.
4. Уй-жойли қилиш.

Демак, саводини чиқаришнинг ўзларига фарз деб билган ота-оналар доимо муаллим қўлига топширар экан, “Эти сизники, суяги бизники!”, дея мурожаат қилишган ҳамда устозни жуда улуғлашган.

Мурғак боланинг “ошпоқ қалб дафтари”га “одамийлик” сўзини ўйиб ёзиш ҳуқуқи ҳам фақатгина ўқитувчига берилган. Бировнинг боласига қанчалар риёзат билан бир ҳарф ўқитишнинг ўзи савоб-ку. Мен ҳам шундай савоб иш қилаётганимдан, болаларга ўзимдаги жамики яхши фазилатларни, бор билимимни бераётганимдан завқ-ланаман:

*Оламнинг хуршиди кундир, одамнинг хуршиди илм,
Оламнинг зулмати тундир, одамнинг мадори илм,
Ҳар муроду мақсадинга етмоқ истарсан, Ниҳон
Кўз очиб бедор бўл, даркор илм, даркор илм.*

(Ҳамза.)

Буюк алломоларимиз нечоғлик билимга эга бўлсаларда, ўзларини яна ҳам кўпроқ илмга эга бўлолмаганларидан надомат чекканлар ва одамларни ҳам ўз асарларида шунга даъват этганлар. Навоий ҳазратлари дейдилар:

*Ҳақ йўлинда ким санга бир ҳарф ўқитди ранж ила,
Айламак осон эмас ҳаққин адо минг ганж ила.*

Бобур эса, давлату элни бошқариб, умрини жангу жадалларда ўтказган бўлишига қарамай, ўзини илмга бағишлаган. Лекин у камтарлик билан шундай дейди:

*Мен толиби илм, толиби илм керак,
Ўргангали илм толиби илм керак .
Мен толиби, илм толиби, илми йўқ,
Мен бормен, илм толиби илм керак.*

Худди шундай сатрлар маърифатпарвар шоир - Фурқат ижодида ҳам кўринади:

*Кўнгилларнинг сурури илмдандур,
Кўрар кўзларнинг нури илмдандур.
Дариғо, Фурқатий беилм қолдим,
Ўзимни жаҳл зиндонига солдим.*

(Фурқат)

*Оз- оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.*

(А. Навоий).

Отанинг меҳридан устознинг жабри афзал.

(С.Шерозий).

Олим бўлсанг, олам сеники.

*Илмли киши яхши насиба олгусидур,
Илмсиз киши ёмон насиба олгусидур.*

*Кимда-ким билимга таянса, у доимо
камол топади.*

*Кимки илм қўлини урса, у минглаб булоқни
чўлга томон бурган бўлади.*

• • •

*Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзини-ю, халқини гумроҳ этар.
Олим агар жоҳ учун ўлса золим,
Илми анинг жаҳлига бўлгай далил.*

(А. Навоий).

*Биз мана бир жаҳон илмни тўплаб,
Шу олий жаҳонни кўраётурмиз.
Ҳар тўсиқ, ҳар ғовни парчалаб, бузиб,
Тубсиз ўпқонларга сураётурмиз.*

(Уйғун).

Демак, алломаларимиз ўз ҳаётларида илмга интиланлар, уни тараннум этганлар, ўзгаларни ҳам илмли, ўқимишли одам бўлишга чорлаганлар.

Пайғамбаримиз **Расули Акрам** ҳадисларида ҳам илм улуғланган.

“Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарзидир”.

“Илм ўрганингиз, токи дилларингиз чароғон бўлғусидир” .

“Бир кунинг қолса ҳам, илм ўрган” .

Юқоридаги ҳикматларда катта маъно бор.

Ҳозирги даврда ёшларнинг билим олишлари, ўқишлари учун жуда катта имкониятлар ва шароитлар мавжуд. Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг яратилиши ҳам ўқувчилар учун бахт ҳисобланади .

Халқимизда “илмли киши хор бўлмас” нақлининг қўлланиб келиниши бежиз эмас. Мана хоҳласа ёшлар хорижий юртларга бориб таҳсил олиб қайтмоқдалар. Демак, уларнинг келажаги порлоқ, ҳеч қачон ўз илми билан ҳаётда қоқилмайдилар.

Илмли киши яхши насиба олғусидир, илмсиз киши ёмон насиба олғусидир. Илмсиз инсон разолат, тубанлик ботқоқига ботгай, илмли одам эса ўз қалбида яхшилик, эзгулик уруғларини ундириб, одамларни ўз эзгу ишлари билан баҳраманд қилади.

Ҳозир қанчадан қанча олимларимиз, фан докторлари, фан номзодлари бор. Улар илм учун фидоий бўлган инсонлардир. Шунинг учун эл ичида ҳурмат-эътибор топишмоқда, меҳнатлари давлатимиз томонидан юксак баҳоланмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, “Маҳалла”, “Камолот”, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний”, “Умид”, “Улуғбек” жамғармаларининг таълим-тарбия соҳасидаги эзгу ишларини, ўсиб келаётган авлодни жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашга қўшаётган ҳиссалари беназирдир.

*Ўзгалликни қидирганим йўқ,
Арши аъло жаннатидан мен.*

*Гўзалликни қидириб топдим,
Инсонларнинг илмидан мен.*

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар.

1. Ёзган иншоларингизнинг хатоларини яхшилаб текшириб чиқинг.
2. “Гўзал урф-одатларимиз” мавзусида баҳс-мунозара утказинг.

21-машғулот

Мавзу: Фразеологиялар.

Режа:

1. Фразеология ҳақида умумий маълумот.
2. Фразеологик маъно.
3. Фразеологизмларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра типлари.
4. Жозибатор фразеология — тилнинг кўрки.

Фразеология тилшуносликнинг фразеологик бирликларини ўрганувчи соҳасидир.

Маъноси, одатда, бир сўзга тенг келадиган сўзлар қўшилмаси фразеология, яъни ибора дейилади. Фразеология термини тилшуносликда икки маънода қўлланади: 1) тилдаги фразеологик бирликларнинг жами маъносида ва 2) шундай бирликларни ўрганувчи соҳа (фан) маъносида.

Икки ёки ундан ортиқ сўздан таркиб топган ва яхлит бир маъно ифодаладиган тил бирлиги фразеологик бирлик ёки фразеологизм дейилади: *қўй оғзидан чўп олмаган, оғзи қулоғида, юрагига қил сиғмайди, дўпписи яримта, ўпкаси ёрилмоқ, бино қўймоқ;*

Луғат таркибида тил бирлиги сўз бўлса, фразеология таркибида фразеологизм тил бирлигидир.

Тилнинг луғат бойлиги лексика ва фразеологиядан иборатдир. Сўз ҳам, фразеологизм ҳам луғавий бирлик ҳисобланади.

Фразеологизмлар сўз бирикмаси ёки гаплар каби нутқ жараёнида ҳосил бўлмайди, балки улар, худди сўзлар каби, тилда тайёр ҳолда бўлади. Демак, фразеологизмлар нутқ ҳодисаси эмас, балки тил ҳодисаси ҳисобланади: *аравани қуруқ олиб қочмоқ, кавушини тўғрилаб қўймоқ* кабилар тилда тайёр ҳолдаги лугавий бирликлардир.

Фразеологик бирликлар (иборалар)даги айрим-айрим сўзларнинг маъноси иккинчи планга ўтиб, бирикмадан яхлитлигича янги бир маъно англашилади. Ана шундай маъно фразеологик маъно бўлади

Энди гуруҳни интизомга солсак, ошиқ олчи бўларди. Бу ерда эканингизни эшитиб, кўзимга ҳеч нарса кўринмади, учиб бора қолсам дедим. Биринчи гапда фразеологизм белги, иккинчи гапда ҳаракатни билдирапти. Фразеологизмлар, сўзлар каби яхлит бир маъно лексик маънодан фарқ қилади. Қиёсланг: *утакетган — учига чиққан, беқиёс — ер билан осмонча, албатта — турган гап, яширин — енг ичида.* Келтирилган фразеологизмлар ўз синонимлари бўлмиш сўзларга нисбатан, биринчидан маънони кучли даража билан ифодаласа, иккинчидан, улар мураккаб бўлади. Жуда кўп фразеологизмлар билдирадиган маъноларни бир сўз билан ифодалаб бўлмайди: *қилдан қийиқ топди, тепа сочи тикка бўлди, қош қўяман деб кўз чиқарди, ўз оёғига болта урди* ва ҳоказо.

Баъзи фразеологизмлар турли ривоятлар, ҳақидаги тушунчалар билан боғланади. Бундай фразеологизмлар маъносини таркибидаги сўзлар маъносидан келтириб чиқариб бўлмайди.

Масалан: *Думи хуржинда иш қилиб қўйибсан-да, ука! Думи хуржинда* фразеологизми қуйидаги латифа билан боғланади: Афанди эшагини сотиш учун бозорга олиб кетаётганда эшак лойга ботиб, думи ифлос бўлади. Ювай деса, сув топилмайди. Эшакнинг думини кесиб, хуржунга солиб олади. Бозорда харидорлар эшакнинг думини сўраса, “Думи хуржунда”, деб жавоб беради. Харидорлар айниб кетаверади, эшак сотилмай қолади.

Демак, эшакнинг сотилмаслигига Афандининг қилган “думи хуржунда” иши сабаб бўлади.

Худди лексикада бўлгани каби фразеологизмлар ҳам шакл ва маъно муносабатига кўра **омонимия, синонимия, антонимия** каби тишларга бўлинади.

Бир хил сўзлардан тузилган фразеологизмларнинг ўзаро боғланмаган маъно ифодалашини *фразеологик омонимиядир*. Масалан: Кун пешиндан оққанда, чўл чангини бошига кўтариб, қандайдир машина чиқиб қолди. (Ш. Фуломов)

Халқимиз сизни ҳурматлаб, олқишлар билан *бошига кўтаради*. (Ойдин)

Илгари бир қатра *оғзимга олмас эдим*. (Ойбек)

Комиссия ҳайрон бўлиб қолди, аммо ҳеч ким мени қайтаришини *оғзига олмас эди*. (А.Қаҳҳор)

Маънодошлик ҳодисаси - *синонимиядир*. Бу фразеология учун ҳам характерлидир: *кайфи бузук — таъби тирриқ, тоқати тоқ бўлмоқ — сабр косаси тўлмоқ, яхши кўрмоқ — кўнгил бермоқ*.

Тожибой ўз қилиқлари билан унинг сабр косасини тўлдирди.

Ҳамма ортиқ чидаб туролмади, тоқати тоқ бўлди.

Луғавий бирлик сифатида фразеологизмлар сўзлар билан ҳам синонимик муносабатда бўла олади:

томдан тараша тушгандек - кутилмаганда, *жони чиқди* - газабланди, *оғзи қулоғида* - хурсанд...

Қарама-қарши маъно ифодаловчи иборалар антоним-фразеологизмлар дейилади:

Кўкка кўтармоқ — ерга урмоқ, юзи ёруғ — юзи шувут, кўнгил жойига тушмоқ - юрагига гўлгула тушмоқ.

Аҳли мажлис Отабекни *кўкларга кўтариб* мақтар эди. (А. Қодирий)

Улар ҳам неча йил нон-қатиқ бўлган раисларни *ерга урдилар*. (Ш. Абдурахмонов “Ғоз. Уз. Ад. Тили)

Хуллас, жозибадор фразеология тилнинг кўрки, бойлигидир.

Шу иборалардан фойдаланиб, ажойиб асарлар яратилди. Улуғ Навоий ҳам ўз асарларида фразеологизмдан усталик билан фойдаланган:

Ё улус ичра юз сўйин сочиб.

Ё олибон бошини бир ён қочиб.

Юз сўйли сочиб - обрўсини йўқотиб.

(Ҳайрат-ул-аброр)

Беғуноҳ тўксанг, Навоий қонини йўқтур ғами,

Ким сени кўрган даме. қоним сенга қилмиш халол.

(Наводир-уш-шабоб)

*(Қонини ҳалол қилмоқ — ўлдирмоқ.)
Лаҳза-лаҳза чиқдим, чекдим йўлида интизор,
Келди жон оғзима-ю, ул шўхи бадҳу келмади.*

(Бадоеъ-ул-васат)

(Жон оғзима келди — сабр тоқати тўлди.)

*Силкибон ул яхши ёмонига энг
Англаб улус йўқию борини тенг.*

(Ҳайрат-ул-аброр)

(Силкибон энг — қўл силтамоқ.)

Талабалар ҳам Навоий, Бобур, Фузулий, Фурқат каби мумтоз шоирларимиз ижодидан юқоридаги мисолларга ўхшаган ғазаларидан намуналар келтирадilar.

Дарс жонли, қизиқарли бўлиши учун талабаларга турли хил топшириқлар олдиндан берилади, ва дарсда улар ҳам назорат қилинади.

Масалан: Фразеологик омонимияга, фразеологик синонимия, фразеологик антонимияга мисоллар топиб ёзиб келиш.

Фразеологиялар билан унга тенг келадиган сўзларни топиб ёзиб келиш. (Масалан: Жаҳли чиқди — тепа сочи тикка бўлди).

“Фразеологиялар бола тасавурида”

Масалан: бошини икки қилмоқ. (иккита бош бир қилиб чизилади)

Боқи аммамнинг бузоғи-я. (бузоқнинг расмини чизиб келади).

Демак, ёш бола фразеологик ибораларни тўғри тасаввур қилишини ижодий ёндашган ҳолда расмлар билан чизиб, ифодалаб келади. Буни ҳам дарс машғулотида кўрамиз.

Қизиқарли мушоира, мусобақалар ўйнаймиз.

(иборага мос).

Масалан: шу ўринда “Маъносини ким чақади?” ўйинидан фойдаланса бўлади. Беллашаётган биринчи қатордаги

талабалар фразеологик бирикмалар билан алмаштириш мумкин бўлган феълларни айтади, иккинчи гуруҳдаги талабалар эса, шу феълни фразеологик бирикма билан алмаштиришлари керак. Масалан: *гапирмади — оғзига талқон солди, қувонди — дўпписини осмонга отди, ўлди — жони узилди, тушунди — мағзини чақди, ажабланди — ёқасини ушлади* каби.

Ўйиннинг бошқа тури ҳар бир фразеологик бирикмани маънодоши билан алмаштиришдан иборат. Масалан: *боши осмонга етди — дўпписини осмонга отди, мижжа қоқмади — кўзини юммади, ёқасини ушлади — ҳайрат ичра қолди.*

Шу тариқа ўйин давом этади. Кимки тўхтаб қолса ўша гуруҳ мағлуб ҳисобланади. Ёки “Баҳру байт” мушоирасини ўйнаб, ғазаллар айтишлари мумкин.

Масалан:

*- Агар ошиқлигим айтсам, куйиб жону жаҳон ўртар,
Бу ишқ сирин баён этсам, токи ул хонумон ўртар.*

(Машраб)

*- Розиман тушгунча ногаҳон ҳижрон юки.
Розиман майли танимдин айри бўлсун жон юки.*

(Э.Воҳидов)

тарзида давом этилади.

Дарс сўнгида ғолиблар маълум баллар билан ёки китоб билан мукофотланади.

Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар.

1. Иборалар иштирокида қизиқарли матн тузинг. (Иложи бўлса, уни саҳналаштиринг).
2. Тилга оид кроссворд тузинг ва уни ечинг.
3. “Ўзбек тилининг шайдосиман” мавзусида қизиқарли мунозара ўтказинг.

Г. Ш. Раҳматуллаев. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Т., 1978 й.

2. Ҳозирги ўзбек адабий тили.
3. Ўз фикрларим.

Ҳ. УМАРОВА

ҚИЗИҚАРЛИ ГРАММАТИКА

(Қисқача курс)

Ўзбек тилида

Муҳаррир *Ансориiddин Иброҳимов*
Тех. муҳаррир *Валентин Веремеюк*
Мусахҳиҳ *Зиёда Латифхон қизи*

ИБ №362

Теришга берилди 12.03.2002 й. Босишга рухсат этилди 15.05.2002 й.
Бичими 60x84 1/16. Шартли босма табағи 5,0.
Нашр босма табағи 5,0. Адади 5000 нусхада.
Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № 48.

Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашрийети.
Тошкент — 129, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр рақами № 32.

“Агнарпint” МЧЖ босмахонасида босилди.
Тошкент, Ҳ. Байқаро кўч., 51